

# Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!

Mustaqillik huquq demakdir

# НШҚШҚ



O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI BOSH  
PROKURATURASINING  
NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2015-yil 3-sentabr, №35 (972)

Бош прокуратурада

## Байрам тадбири

Юртимизнинг барча жойларида бўлганидек, энг азиз ва энг улуг байрам — Мустақиллик куни прокуратура органлари меҳнат жамоаларида ҳам шоду хуррамлик билан нишонланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ҳам юртимиз истиқлолининг 24 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда Бош прокуратуранинг меҳнат жамоаси, Ҳарбий прокуратура, СВОЖДЛКК департаменти ходимлари иштирок этди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Абдуллаев байрам тадбири билан очиб, йиғилганларни улуг айём билан қутлади.

Шухрат АЛЛАМБЕРГЕНОВ,  
Бош прокуратура бошқарма прокурори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги муносабати билан прокуратура органларининг бир гуруҳ ходимлари ҳам давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Шунингдек, Бош прокурорнинг буйруғи билан самарали ҳамда фидойи меҳнати билан ўрнатқан кўрсатган прокуратура ходимларига фахрий ёрликлар топширилиб, ташаккурнома эълон қилинди.

Маросимда мустақиллик байрамига бағишлаб Бош прокуратуранинг бошқарма ва бўлимлари ўртасида ўтказилган футбол мусобақасининг голиблари ҳам махсус совринлар билан тақдирланди.

## МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2015 йил 27 августдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йилгирма тўрт йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, муҳофаза ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонида биноан ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва миллий қонунийликни такомиллаштиришга, фуқароларнинг қонуний манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш ва юқори малакали юридик кадрларни тайёрлашга қўшган катта ҳиссаси учун бир гуруҳ юртдошларимиз Ватаннинг юксак мукофотлари — унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида прокуратура органлари ходимларидан қуйилдилар бора:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист»

Узаков Шухрат Шарапович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори

«Дўстлик» ордени билан

Каипбергенов Ернурат Туленбергенович — Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари

«Жасорат» медал билан

Хусанов Тахиржан Бахтиярович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари

«Содиқ хизматлари учун» медал билан

Камолов Бобур Камолович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Рашидов Истам Багирович — Самарқанд вилояти прокуратураси прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бўлими бошлиғи

Яхеев Бахтиер Турдибаевич — Навоий вилояти прокурорининг халқаро-ҳуқуқий масалалар бўйича катта ёрдамчиси

«Шухрат» медал билан

Ботирова Умидаҳон Хамражоновна — Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани прокуратураси катта нозир

Кучкарова Дилфуза Насретдиновна — Қашқадарё вилояти прокурорининг воёга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўйича катта ёрдамчиси

Мартинова Марина Сергеевна — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Солиқ, валютга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг молия-ҳўжалик бўлими бошлиғи

Мусаев Қобилжон Қаюмович — Фарғона вилояти прокуратураси судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори

Попандоупо Светлана Константиновна — Тошкент шаҳар Яшнобод тумани прокурорининг катта ёрдамчиси



## Биринчи қўнғироқ қувончлари

Маълумки, кеча мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги таълим масканларида биринчи қўнғироқ садолари янграб, "Мустақиллик дарслари" бўлиб ўтди. "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" ширин остида ўтказилган дарсларда халқимизнинг азалий орузи, миллий ўзлимизни англаш, гурур-ифтихоримиз тимсоли бўлмиш истиқлолнинг аҳамияти, уни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, бугунги тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир фуқаронинг бурчи экани таъкидланди.

— Юртимизда янги ўқув йили дунёнинг ҳеч қайси мамлакатига учрамайдиган эзгу анъана билан бошланади, — дейди Зангиота туманидаги 47-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Гулчеҳра Аҳмедова. — Ҳар йили мактаб оstonасига илк қадам қўйган ҳар бир ўғил-қизга ўқув йилининг биринчи кунини Президентимизнинг махсус совғаси топширилади. Таъкидлаш жоизки, юртимизда таълим соҳасидаги ислохотлар самарасида бугун барча мактаблар янги қиёфа касб этди. Улардаги кенг ва ёруғ ўқув ҳамда компьютер хоналари, замонавий ахборот-ресурс маркази, маънавият ва маърифат хонаси, спорт зали ва майдони нафақат ўзимизнинг, балки хорижликларнинг ҳам ҳавасини келтирмоқда.

— Фарзандим Махлиёхон бу йил биринчи синфга боради, — дейди Назокат Асқарова. — Президентимиз совғаси — дарсликлар, мактаб анжомларидан иборат тўпламини қўлига олган болаларнинг хурсандлигини кўрсангиз эди. Тўпламдаги барча ўқув қуроллари боланинг тафаккури, дунёқарашига мослиги, уларни тайёрлашда асосан ёрқин ранглардан фойдаланилгани, маънавий-ахлоқий меъёрлар, санитария-гигиена талаблари, давлат стандартларига қатъий амал қилингани таҳсинга сазовордир.

Дарҳақиқат, бир олам орзулар ила мактаб оstonасига қадам қўйган ўқувчиларнинг қувончу шодликлари чексиз. Уларга билим ва юксак салоҳият томон элтадиган илк қадамлари қутлуг бўлсин, деймиз.

Ўз мухбиримиз

Айни вақтда тинчлик ва фаровонлик ҳуқи сурган давлатимиз жаҳон майдонида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, Президентимиз раҳнаомлигида тараққиёт йўлидан изчиллик билан, дадил одимлаб бормоқда. Халқимиз эртанги кунга ишонч, яратувчанлик кайфияти билан яшамоқда. Бундай ҳақ ҳар бир байрамини катта шояёнлар билан нишонлашга ҳақми.

## Барча ислохотлар инсон учун

Авалло, биз учун энг азиз, энг улуг байрамимиз бўлган — Мустақиллигимиз ҳақида гапирганда, истиқлолимизнинг ўтган 24 йили яратилган ва бунёдкорлик руҳида кечди дейишимиз мумкин. Бу йиллар мобайнида миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизни тиклаш, диёримизда тинчлик-осойишталикни сақлаш, барча соҳалардаги катта ўзгариш ва янгилаш, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасининг янги тус олиши, ҳар бир оилани турмушини яхшилаш борасида қўлга киритган ютуқларимизни бугунги кунда дунё ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам истиқлол йилларида иқтисодиётнинг барча тармоқлари жадал ривожланиб, халқимизнинг турмуш даражаси юксалиб бормоқда.

Шу ўринда мисол тариқасида 2012 йилда дунёдаги 10 та глобал инвестиция лойиҳаси қатаридан жой олган, Марказий Осиёда-

Иқромжон ПАЛВАНОВ,  
Қорақалпоғистон Республикаси прокурори

ги ягона ишлаб чиқарувчи сифатида тан олинган, баҳоси 4 млрд. АҚШ долларидан ортиқ бўлган "Сургул" қони негизда барпо этилаётган "Устюрт газ-кимё" мажмуасини айтишимиз мумкин. Ушбу мажмуа йилга 4,5 млрд. метр<sup>3</sup> газни қабул қилиш, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш қувватига эга. Унинг тўлиқ қувватда ишга тушиши билан 1500 нафарга яқин киши доимий иш ўрни таъминланади. Унга қўшимча равишда бу ерда ишловчи ходимларнинг яшashi учун янгидан намунавий уйлар, мактаб, болалар богчаси каби зарур бўлган инфраструктура тизими барпо этилмоқда.

/Давоми 3-бетда/

# Мустақиллик — барча ютуқларимизнинг асоси

Тошкент олий умумқўшун қўмондонлик билим юртида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ва Республика Ҳарбий прокуратураси ҳамкорлигида "Бетақорримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида "Мустақиллик — барча ютуқларимиз асосидир" мавзусида амалий семинар ўтказилди.

Тадбирда Республика Ҳарбий прокуратураси ходимлари, Тошкент олий умумқўшун қўмондонлик билим юрти офицерлари, сержантлари ва курсантлари, Тошкент гарнизонидаги ҳарбий қисм ва муассасалар ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари, шунингдек оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинарнинг асосий мақсади — юртимиздаги тинч ва

осойишта ҳаёт, миллатлараро ҳамжиҳатлиқни сақлаш, чегараларимиз дахлсизлигини асраш, узоқ ва яқин атрофимиздаги давлатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, хавф-хатар ва таҳдидлар кучайиб бораётган таҳликали замонда доимо огоҳ ва хушёр бўлиб яшаш борасидаги долзарб вазифаларнинг мазмун-моҳиятини очиб беришдан ҳамда мустақилликнинг барча-

миз учун миллий давлатчилигимизни, ўзлигимизни, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, муқаддас ислом динимизни, буюқ аجدдоларимиз табарруқ номларини улуғлаш, соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш бўйича яратган беқиёс имкониятларини ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига ҳамда кенг жамоатчиликка етказишдан иборат бўлди.

Семинарда Ватанимиз ўз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигини катта шодликлар билан нишонлаётган айни кунларда юртимизда ўтган давр мобайнида улкан ўзгаришлар юз берганлиги алоҳида таъ-

кидланди. Албатта, бундай ўзгаришлар замирида мамлакатимиз Президентни Ислам Каримов томонидан янги давлат ва жаҳмиёт қуришининг ўзига хос йўли "Ўзбек модели"нинг ишлаб чиқиши, уни амалга оширишга доир ислохотлар самараси мужассамдир.

Тадбир иштирокчилари мустақиллик йилларида, энг аввало, мудофаа ва хавфсизлик соҳаларида мустаҳкам қонунчилик базаси яратилганлиги эришилган ютуқларимиз пойдевори бўлиб хизмат қилганлигини алоҳида эътироф этдилар. Чунотчи, Ўзбекистон Республикасининг "Мудофаа тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси

Юнус МУТАЛИЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий  
прокуратураси бўлим бошлиғи

тўғрисида"ги, "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги, "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги ва бошқа Қонулари юрт тинчлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, миллий хавфсизлигимизни янада мустаҳкамлаш, иқтисодийётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаш ва барқарор ривожланишини таъминлаш, халқимиз турмуш шароитини янада яхшилашга хизмат қилаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Нақл қилинишича, инсон дунёга келиши билан шайтон унга худди чирмовуқдек ёпишиб, қонига жойлашиб олар ва уни турли вазвасалар билан ўзининг йўлига бошлар экан. Шайтоннинг шундай вазвасаларига учмаслик учун эса инсонга онг, дея аталмиш неъмат бериб қўйилган бўлиб, агар у яхши-ёмоннинг, гуноҳ билан савобнинг фарқига борадиган бўлса, унинг таъсирига тушмайди. Ҳоҳида эса шайтонга нафс ҳам ёрдамга келади ва унинг домига илинган инсон ўзини бошқаролмай қолади.

## Нафс бандалари

Собир Қодиров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ёш эмас, умрининг 40 баҳоридан ҳатлаб, ҳарқалай ҳаётнинг паст-у баландини кўришга улгурган. 2012 йилнинг апрель ойида "Шедевр Гарден" МЧЖга директор этиб тайинланди. Авалгига фаолиятини кўнгилдагидек бошлаган раҳбарнинг нафси кўп ўтмай "ишга киришди-ю", уни ўз домига торта бошлади. Оқибатда эса...

МЧЖ фаолияти бўйича ўтказилган текширишларда аниқланди, банка инкассация қилиниши, шунингдек, савдога қонуний кирим қилинган ҳамда сифатини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган товарлар чиқарилиши лозим. Аммо юқорида номи қайд этилган ресторанда ушбу қоидага амал қилинмаган. 2012 йилдан 2014 йилнинг 1-чорагигача бўлган даврда савдо тушуми НКМдан ўтказилмасдан, банка ҳам топширилмасдан, норасмий ёлланган ишчи-хизматчиларга иш ҳақи тўлашга ҳамда бухгалтерия ҳисобидида акс этмайдиган товар-моддий бойликлар харид қилишга сарфланади. Бу билан эса савдо қоидалари бузилади.

Чунотчи, ресторан баридан кирим қилинмаган ва сифат сертификати бўлмаган умумий қиймати 5 млн. 832 минг сўмлик 30 турдаги 1 200 дона спиртли ичимлик, тамаки, озиқ-овқат ҳамда ноозик-овқат маҳсулотлари ҳужжатлаштирилди олинди. Шунингдек, бу ердан иккиламчи бухгалтерия дафтари ҳам топилди, унга кўра 2013 йил июнь ойидан 2014 йилнинг март ойига қадар алкоголь маҳсулотларининг ноқонуний хариди учун С.Қодиров томонидан 50 млн. 146 минг сўм ва 540 АҚШ доллари миқдоридида маблағ берилгани, бу пуллар НКМдан ўтказилмай, кирим ҳамда сифатини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган жами 51 млн. 252 минг сўмлик спиртли ичимликлар сотиб олиш учун сарфлангани ҳам маълум бўлди.

Ресторан кассири вазифасида

Дилшод БАҲРАМОВ,  
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлими  
АМИБ катта терговчиси

хизмат қилган М.Маликова эса касса китобидида савдо тушумини камгайтириб кўрсатишдан ташқари, фақатгина раҳбарлари белгилаб берган миқдордаги савдо тушумини НКМдан ўтказиб, қолган қисмини С.Қодировга қўш-қўллаб топширган экан.

Бундан ташқари, МЧЖ мутасаддилари томонидан ижарага олинган ресторан фаолияти бўйича 1 млрд. 927 млн. 305 минг сўм миқдоридидаги савдо тушуми яширилгани ҳамда 268 млн. 821 минг сўмлик солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлангани ҳам аниқланади. Шунингдек, "Мануфактуринг Стратегий" МЧЖ номидан Юнусобод туманида жойлашган 9 қаватли йўл-жой комплексидаги 123 та хонадонни 2011-2013 йиллар давомида фуқароларга сотишдан олинган 3 млрд. 506 млн. 551 минг сўм миқдоридидаги жиноий фаолиятдан орттирилган даромадларни легаллаштиришга киришилади. Шайхонтоҳур туман ҳокимиятида рўйхатдан ўтган "Диамонд Гарден" МЧЖни таъсисчи Собир Қодиров номидан ташкил этиб, жиноий даромадлар ҳисобидан 2012 йил 15 ноябрда 200 млн. сўм, 21 ноябрда 215 млн. сўм, 2013 йил 23 январда эса 16 млн. 600 минг сўм, жами 431 млн. 600 минг сўм нақд пуллари гўёки С.Қодировга тегишли эканлигини кўрсатиб, унинг номидан "Диамонд Гарден" МЧЖнинг низом ҳамфармасини шакллантириш учун банка топширилади. Шунингдек, ушбу маблағнинг 340 млн. сўмини 2012 йил 24 августдаги 01-сонли шартнома ва 2012 йил 23 ноябрдаги қабул қилиш-топшириш далоятномасига асосан "Инлет Протект" МЧЖ ҳисобига ўтказиб, ижарага олинган ресторани 1 млрд. 531 млн. 600 минг сўмга харид қилинади. Шундай қилиб, жиноий фаолиятдан топилган пул маблағлари легаллаштирилади.

Ҳалол йўл қолиб, нафсининг йўриғига юриш оқибатида жиноят содир этган С.Қодиров ҳамда М.Маликова ахирри қора қурсидан жой эгаллашди ва суд томонидан уларнинг ҳар бирига қилмишига яраша жазо тайинланди.

## Излар совимасдан...

Фориш туманида туғилиб-ўсган Шавкат билаги кучга тўлиб илм эгаллайман, касб ўрганаман, деган ёшда. Бироқ, у ҳалола меҳнат қилишни, мунтазам бирор-бир иш билан шуғуллаганини истамади. Осонгина ўзганинг мулкига эга чиқишни кўзлади. Кундуз кунни қўшниларидан бирининг уйига ўғирликка кирди.



Собиржон САЙДОВ,  
Жиззах вилоят прокуратураси бўлими катта прокурори

қўзини сўйиб, целлофанга ўради. Териси ва бошқа аъзоларини ташлаб юборди. Гўштни уйига олиб келиб, омборхонага олиб қўйди.

Эрта тонгда қўйларидан хабар олган Ж.Маматқулов яна бир қўзисни йўқолганлигини билди. Ҳовлида бегона изларни кўриб, ўғри кирганини англади-да, излар совимасдан ички ишлар бўлимига хабар қилди. Буни эшитган Шавкат қилмишининг ошқор бўлиб қолишидан чўчиди. Гўштни қўзини сўйган жойга олиб бориб ташлади.

Айрим далиллар асосида терговга чақиррилган Шавкат айбини тани олди. Ж.Маматқуловга етказилган зарарни қоплади. Бироқ қонун барчага баробар. Шавкат Эрханов уч йилга озодликдан маҳрум этилди.

Урганчик Шерзод Артиқов бир нафар фарзанининг отаси. Ҳаттиз ёшни қаршилаётган, оқ-қорани ажраттиш ёшига етиб қолган бу йилгит ҳали ҳам ҳаётини тўғри изга солиб ололмаган. Муқаддам унга нисбатан қўзғатилган жиноят иши суднинг 2013 йил 26 декабрадаги аҳримига асосан тугатилган. Ва-ҳоланки, хато қилган инсон одағла ўзига берилган имкониятдан тўғри фойдаланишга ҳаракат қилади. Афсуски, у бундай имкониятнинг қаарига етмади.

К иш кунларининг бирида Урганчининг "Жайхун" кўчасида истикомат қилувчи қариндошиникига тўйга айтгани бориб, хонадон келини ёлғизлигини кўрган Шерзоднинг кўнглига ёвуз ният оралади. "Финг десанг ўласан!" қабилда уни кўрқитиб, 100 АҚШ доллари, 50 минг сўм пул ҳамда нархлари 700 минг ва 100 минг сўм бўлган иккита уяли алоқа телефони қўлга киритди. Спиртли ичимлик ичган, кўзларидан ғазаб ўтлари чакнаб турган йилгитдан ҳайққан келин қалтираганча, ўтириб қолди. Бунгача Шерзод орқа тарафдаги эшикдан чиқиб қочди.

Шу кетишда Тошкент шаҳрига етиб келди. Буни қарангки, пойтхатда ҳам "касал"и безовта қилиб қолди. Тақси тўхтабди, манзилни айтди. Шерзод бу пайтда маст бўлиб, қўлида бир шиша пиво ҳам бор эди. Ҳайдовчи йўлда машинасига ёқилги қуётган пайтда Шерзод пайтдан фойдаланиб, бўшаган шишани синдириди-да, синигини чўнтағига жойлади. Манзилга етмасдан, шиша синигини ҳайдовчининг бикинига тиради.

— Чўнтагингдаги пуллари тез чиқар. Бўлмаса, шишани тижиб оламан. Ҳайдовчининг чўнтағида 42 минг 500 сўм

## Босқинчилик кечирилмайди

Жавлонбек ДАВЛАТОВ,  
Урганч шаҳар прокуратурининг ўринбосари

бор экан. Уларни олғач, Шерзод йўлда давом этишни буюрди. Шу орада ҳайдовчининг кўзи ҳаракат хавфсизлигини кузатиб турган йўл-патрул хизмати ходимларига тушди ва машинани нотўғри ҳаракатлантирди. Йўл қоидаси бузилаётганини илғаган ходимлар унга тўхташ ишорасини қилишди. Тақси ҳайдовчиси бор гапни айтиб берди.

Ш.Артиқов қонун ҳимоячилари томонидан қўлга олинди. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Одамларни кўрқитиш орқали ўз мақсадимга эришаман, истаган пулимни қўлга киритиб, ялло қилиб юраверман, деб ўйлаган Ш.Артиқов қаттиқ адашди. Жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг ҳукмига биноан, босқинчилик ва талончилик жиноятларини содир қилган Ш.Артиқов 5 йил-у 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Биз қонун устувор давлатда, тинч ва фаровон жамиятда яшаймиз. Ҳалол йўл билан меҳнат қилган, интиланган, изланган инсонга толе ёр. Бундай фуқароларга қонунчилигимизда ҳам қатор имтиёзлар берилган. Аксинча, қандай йўл билан бўлмасин, пул топсам бўлди, деб ўйловчилар қаттиқ янгилашди. Бундайларни Шерзоднинг қисмати кутади.

# Барча ислоҳотлар инсон учун

/Давоми.

Бошланиши 1-бетда/

Биргина Нукус шаҳрида ўтган 2014 йилда 31 та кўп қаватли турар жойларнинг қурилиши амалга оширилган бўлса, жорий йилда 26 та шундай уйларни топшириш режалаштирилган. Бундан ташқари, ушбу йилда йирик ижтимоий объектлардан ҳисобланган Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали, Республика Онкология диспансери ва кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси, "Истиклол" болалар дам олиш марказидаги "Болалар электрон кутубхонаси" фойдаланишга топширилган бўлса, жаҳонга машҳур И.В.Савицкий музейининг иккинчи босқич қурилиш ишлари якунига етиб, ўлкашунослик музейи ва "Ёш томошабинлар" театри қурилишининг бошланиши шахримиз кўркамга кўрк қўшмоқда.

Шунингдек, ёшларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун турли тўғараклар, 3D кинотеатр ва "Бахт уйи" ни ўзида жамлаган "Ёшлар маркази" фойдаланишга топширилиш арафасида турибди.

Прокуратура органлари томонидан олиб борилаётган назорат тадбирларида эса асосий эътибор фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш, инвестиция дастурлари ижросига, жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилаётган. Жумладан, фуқароларнинг пенсия таъминотида доир қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда аниқланган бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Нукус, Кегейли, Кўнғирот ва Тўртқўл туман бўлимлари ходимлари томонидан кўп миқдорда пенсия ва бошқа тўловларнинг ортинча сарфланшига йўл қўйилган ҳолатлар бўйича жиноят ишлари қўзғатилиб, айбдорлар суд ҳукми билан тегишли жазосини олишди.

Юртимизда инсонга олий қадрият сифатида қаралади. Жорий йилнинг "Кексаларни эъзозлаш йили" сифатида ёрқин ифодасидир. Айниқса, қариялар давлатимиз, хонадонимиз кўрки деб қараладиган юрда яшаётганимиздан faxрланамиз.

Бугунги кунда Қорақалпоғистонда 60 ёшдан ошган отахон ва онахонлар сони 100 мингдан зиёд. Уларнинг биронтаси ҳам "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган эзгу ишлардан четда қолаётгани йўқ. Асосий эътибор кекса авлод вакиллари ижтимоий ҳимояси, соғлиги, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловлари, ўзгалар парварishiга муҳтож кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларни тизимли соғломлаштириш ишларига қаратилмоқда. Уларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қонунлар ижроси прокуратура органларининг доимий назоратига олинган.

Бу борада ўтган давр мобайнида республика бўйича 2 мингга яқин кексаларга "Тахиятош", "Косонсой", "Олтиарик", "Товоқсой", "Маржон суви", "Нуроний" санаторияларига бепул йўлланма берилган. Бу турмушимиз йилдан-йилга фаровонлашиб, қарияларимизга эътибор кучайиб бораётганидан далолат беради.

Барқарор ва кўп тармоқли иқтисодийнинг шаклланиши



туфайли юқори натижалар қўлга киритиб келинмоқда. Ўтган йиллар давомида давлатимиз томонидан ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, хусусий мулк ва яқка тадбиркорликни ривожлантиришга доир чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида жаҳон стандартларида мос бўлган, рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги ялпи ишлаб чиқаришнинг 56 фоизи ушбу тармоқ улшига тўғри келиши, иш билан банд бўлган аҳолининг эса 77 фоиздан зиёди шу соҳада меҳнат қилиши бунинг яққол исботидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, адлия ва солиқ идоралари ходимларидан таркиб топган ишчи гуруҳлари тузилиб, назорат-текширув идоралари вакиллари ва тадбиркорлар иштирокида семинарлар ташкил этилмоқда. Бу борада мутасадди идоралар раҳбарлари томонидан комплекс чора-тадбирлар режаси тасдиқланиб, ижрога қаратилган.

Хусусан, молия-ҳўжалик фа-



олиятини амалга оширмаётган ва устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни туғатиш бўйича ҳокимликлар ҳузуридаги комиссиялар фаолияти устидан қундалик назорат олиб борилаётган. Ишини тўхтатиш ниятидаги тадбиркорлик субъектларининг раҳбарлари билан учрашиб, бунинг сабаблари ўрганилиб, уларнинг фаолиятини ривожлантириш чоралари кўрилади. Ўтказилаётган учрашувлар натижасида жорий йилнинг ўтган даври давомида 200 га яқин кичик бизнес субъектининг фаолияти қайта тикланди, қишлоқ жойларда 156 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 300 дан ортқ янги иш ўрни

очилди. Бевосита прокуратура органларининг аралашуви билан 53 та тадбиркорлик субъектига 1,6 млрд. сўмдан ортқ кредит маблағлари ажратилиши таъминланди.

Ўз келаганини ўйлаган давлат ёшлар тарбиясига жиддий эътибор қаратиши шубҳасиз. Зеро, улар бизнинг фарзандларимиз, эртаимиз эгалари, жаҳон майдонларида юртимизнинг ўрнини белгилаб беришчи асосий кўчдир. Шуни теран англаган ҳолда давлатимиз томонидан истиқлоқнинг дастлабки йиллариданқ "Таълим тўғрисида"ги, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонунлар қабул қилинди. Юртимизда жорий қилинган улуссиз 12 йиллик таълим тизими эса ўзининг самарасини бермоқда.

Яратилган имкониятлар натижасида бугунги кунда ёшларимиз турли йўналиш ва соҳаларда ўз иқтидорларини намоян эйтиб, юртимизни жаҳонга танитишда ўз хиссаларини қўшиб келимоқда.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, давлатимиз томонидан қўриб битказилган "Қамолот" уйлари Нукус шаҳри, Эллиқалъа ва Амударё туманларида ёшларимизга имтиёзли кредитлар асосида берилган бўлса, Беруний ва Ҳўжайли туманларида эса бундай уйлارнинг топширилиши режалаштирилган.

Шу билан бирга, жорий йилда академик лицей ва йил-

гини билдирган 159 нафар битирувчиларга банклардан 1,8 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилиши таъминланиб, бу борадаги ижобий ишлар давом этмоқда.

Ҳозирги кунда ёшларни иш билан таъминлаш билан бирга улар орасида жиноятчилик ва турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишлари долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу йўридан вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назоратни таъминлашда асосий эътибор уларнинг ижтимоий ҳимояси, таълим-тарбияси, шу жумладан, таълим муассасаларида ўқувчилар давомида масалаларига қаратилади. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан таълим муассасалари, маҳаллий ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ҳамкорлиги яхшиланиб, уларнинг масъулиятини оширишга қаратилган тадбирлар самарадорлиги янада оширилди. Айниқса, бу борадаги қонун ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси юзасидан мунтазам равишда назорат тадбирлари олиб боришмоқда.

Республика прокуратурасининг ташаббуси билан Республика Вазирилари Кенгаши ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Ички ишлар вазирилиги, Ўрта махсус қасб-хўна таълими бошқармаси, Молия вазирилиги, "Қамолот" ЁИХ, "Ўздарёавтотранс" агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими, "Маҳалла", хайрия жамоат фонди ва "Нуроний" жамғармалари билан ҳамкорликда ўрта махсус қасб-хўна таълими муассасаларида ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида аҳолини ҳамда ёшларни оғоҳликка даъват этиш борасида турли мавзуларда давра сўхбатлари ўтказилди.

Маълумки, республикада ишлаб чиқаришда қишлоқ ҳўжалиги алоҳида ўрин тутади. Шу боисдан қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини етиштириб бериш деҳқон ва фермер ҳўжалиқларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш халқимиз дастурининг тўқин-сочин бўлиши асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу борада қўрилаётган тадбирлар самарасида, жумладан, республикада 2014 йилда пахта ва жорий йилда эса давлатта бошқорилган ва пилла топшириш шартномаси бажарилди.

Шунингдек, соҳага оид қонун ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш борасида прокуратура органлари томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Назорат тадбирлари давомида асосий эътибор фермер ҳўжалиқларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, пахта ва галла экилган майдонлар-

да мунтазам мониторинглар ўтказиб бориш, ер ажратишда қўнуларга риоя қилиниши ва озик-овқат дастурларининг ижросини таъминлаш каби масалаларга қаратилади.

Прокуратура органлари томонидан фермер ҳўжалиқларига 630,5 млн. сўм кредит олишда, 427,3 млн. сўм дебитор-кредитор қарзларни ундиришда амалий ёрдамлар берилди. Шунингдек, уларга 232,6 тонна моддий ёрдамга муҳтож вояга етмаганларнинг моддий таъминоти бўлиб берилади.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан вояга етмаганларнинг яшаш шароити ўрганилиб, тахлил қилинди. Айрим ҳолатларда моддий ёрдамга муҳтож вояга етмаганларнинг моддий таъминоти масалаларига етарли эътибор берилмаганини маълум бўлди. Шу сабабли ҳам баъзан алимент пулларини вақтида тўлаш таъминланмаган. Мазкур масала прокуратура ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияда муҳокама қилиниб, маҳаллий ҳокимлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва ижрога қаратилди.

Қабул қилинган дастурга асосан ўтказилган профилактик тадбирларда жорий йилнинг ўтган даврида 1,5 млрд. сўмлик алимент тўловлари ундирилишига эришилди.

Худудда жиноятчиликнинг аҳоли, муайян турдаги жиноятларнинг ўсиш сабаблари мунтазам тахлил қилиб боришмоқда. Бу борадаги фаолиятда жиноятчилик ташкилотлари имкониятларидан кенг фойдаланилиб, муқаддам судланганлар билан профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш, ички ишлар органларининг маъмурий назоратда турганлар ҳамда маъмур қонун таъсирига тушувчи шахслар билан ишлаш борасидаги фаолияти устидан доимий назорат ўрнатилган. Жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш ва профилактика қилиш борасидаги фаолияти мувофиқлаштирилиб, ушбу жараёнда маҳаллий ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтиришга, қонунчиликни мустаҳкамлаш, криминоген ва ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва ижрога қаратилди. Натижада эса жорий йилнинг ўтган даври мобайнида умумий жиноятчилик, шу жумладан, оғир ва ўта оғир жиноятлар сони кескин камайишга эришилди.

Шунингдек, республика прокуратураси органлари томонидан жойларда мувофиқлаштирувчи Кенгаши йиғилишларини бевосита қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида кенг жамоатчилик иштирокида ташкил этиш, суд процессининг тарбиявий ва профилактик аҳамиятини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш мақсадида тарбия-ташвиқот тадбирларини кенгайтиришга қаратилган ҳолда сайёр тадбирлар ўтказишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

# Фарзандларимиз юксак эътибор ва ғамхўрликдан баҳраманд

Ёшликда олинган билим тошга ўйинган нақшга қиёсланади. Бу бежиз эмас, албатта. Zero, ёш авлод тарбиясига нечоғли жиддий эътибор қаратилса, унинг самара ва натижаси ҳам шунга яраша — барвақт кўзга ташланади. Юртимизда ҳаётга татбиқ этилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури туфайли бугун мамлакатимиз ўқув мактабларидаги шарт-шароит тубдан яхшиланди. Мактабларда таълим сифатининг оширилиши, тарбия беришининг ўзига хос усулларидан кенг фойдаланилаётгани, фарзандларимизнинг иқтидор ва салоҳияти юзага чиқарилаётгани соҳадаги изчил ислохотлар мевасилар.

Аёнки, ҳар бир юртининг бугуни ва келажаги том маънода мамлакат таълим тизимининг қай даражада ривож топганлиги билан чамбарчас боғлиқ. Коланверса, Ватан тараққиёти, миллат истиқболу шу заминда вояга етаётган ўғил-қизлар камоли ва тақдирига вобаста эканлигини бугун барчамиз яхши англаймиз. Юртимизда таълим тизими ривожига кенг эътибор қаратилаётгани замирида ҳам ана шу мақсад, яъни фарзандларимизнинг келажақ тақдирини ўйлаш орқали эртанги тараққиётга мустаҳкам пойдевор қўйиш гоёси мумкин.

Чиндан ҳам бугун янгича таълим стандартлари асосида илм олаётган ёшларимизга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Замонавий ўқув бинолари, кенг ва ёруғ синф хоналари энг сўнгги русумдаги компьютер ҳамда лаборатория жи-

хозлари, кутубхона, спорт мажмуаси — буларнинг бари ёшларимиз ихтиёрида.

Таассуфки, улар орасида имконияти чекланган, ногирон болалар ҳам борки, ана шу шароитлардан етарлича фойдалана олмайдилар. Шу боис бу тоифа ёшларга доимий ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ҳуқуқимиз, шунингдек, прокуратура органларининг доимий диққат марказида турибди.

Наманган вилоят прокуратураси органлари томонидан жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсон бўлган болаларни соғломлаштириш, уларга таълим бериш ҳамда тиббий-ижтимоий реабилитациясини таъминлашга оид қонунлар ижроси устидан мунтазам назорат ўрнатилган ҳамда шу йўналишда муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Янгиқўрғон туман

прокуратураси томонидан мазкур йўналишда ўтказилган текширишлар уйда яқка тартибда таълим олаётган болаларга таълим-тарбия бериш ҳамда соғломлаштириш борасида бир қатор камчиликлар борлигини кўрсатди.

Ана шу камчиликларни бар-тараф этиш мақсадида туман прокуратураси ташаббуси билан ногирон болаларга таълим-тарбия бериш фаолиятини яхшилаш мақсадида яқка тартибда таълим олаётган ўқувчилар, уларнинг ота-оналари ҳамда таълим муассасалари ходимлари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Ушбу тadbир давомида уйда яқка тартибда таълим олаётган 60 нафар ўқувчининг қобилятини доимий назорат қилиб бориш мақсадида вояга етмаганлар ишлари бўйича туман комиссияси билан ҳамкорликда "Жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсон бўлган, шунингдек, узоқ вақт давола-нишга муҳтож бўлган болаларнинг уйда яқка тартибда таълим олишини янада такомил-

лаштириш тўғрисида"ги Низом ишлаб чиқилди.

Ушбу Низомга асосан, "Жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсон бўлган болаларни ижодий йўналишидаги тўғарақларга жалб этиш бўйича комиссия" таркиби, вазифалари ҳамда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Вилоят прокуратураси томонидан Янгиқўрғон туман прокуратурасининг бу саъй-ҳаракатлари, ижобий иш тажрибаси оммалаштирилиб, соҳада назоратчи фаолият олиниши лозим бўлган вазифалар қатори туман-шаҳар прокурорларига топшириқ сифатида юборилди.

Мазкур топшириқ доирасида ўтказилган текширишлар натижасида бевосита прокуратура органлари аралашуви билан вилоятдаги 824 нафар уйда яқка тартибда таълим олаётган ўқувчилар тиббий кўриқдан ўтказилди. Шунингдек, эҳтиёжларига кўра 21 нафар аравача ва 24 нафари протез-ортопедия воситалари билан таъминланди.

Бундан ташқари, уйда яқка тартибда таълим олаётган болаларни ҳар томонлама ўйғун ривожланиши учун меҳнатга қизиқтириш, фан-техника ва спорт тўғарақларига жалб этиш, мустақил ҳаётга кўникма ҳосил қилиш мақсадида туман-шаҳар прокурорларининг ташаббуслари билан ота-оналар,

Гўзал ШАРИПОВА,  
Наманган вилоят прокурорининг  
катта ёрдамчиси

тиббий-педагогик комиссиялар ва таълим муассасалари вакиллари иштирокида йиғилишлар ташкил этилиб, бу тоифадаги болаларни тўғарақларга жалб этишнинг аҳамияти ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, соғлом болалар билан бир қаторда тўғарақларда қатнашиб, ўз иқтидорини намоён этаётган ногирон болалар билан ишлаш учун тўғарақларнинг фаолият кўрсатиш тартиби билан таништирилмоқда.

Мазкур саъй-ҳаракатлар натижасида 680 нафар ногирон бола ўз қизиқишларига кўра болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда "Баркамол арлод" балет марказларида ташкил этилган тўғарақларга, шунингдек, уй шароитидаги тўғарақларга жалб этилди.

Бундан кўзланган мақсад уларнинг иқтидори ва қобилиятларини аниқлаш, ижодий фаолиятини рағбатлантириш, мустақил ҳаётга тайёрлаш, касб-хунарга ўргатиш, келгусида ўз меҳнати орқали маблагга эга бўлиш ва жамиятда ўрнини топишига кўмак беришдир. Ўйлаймики, бу борадаги тизимли ишлар ўз самарасини беради.

## Боланинг кўнгли ўқсимасин

Республикамиздаги барча меҳрибонлик ва махсус мактабларда таҳсил олаётган ўғил-қизларнинг бекам-кўст, шод-хуррам яшаши ва истеъод ва қобилиятларини намоён этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Хусусан, Самарқанд вилоят прокуратураси органлари томонидан махсус мактаб-интернатларга жойлаштирилган ногирон болалар ва меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг яшаши, соғломлаштирилиши ҳамда ўқиш шароитлари мунтазам ўрганиб борилмоқда. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 13 сентябрдаги "Имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида"ги, 2008 йил 17 октябрдаги "Меҳрибонлик уйи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарорлари дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Самарқанд вилоятда фаолият кўрсатаётган махсус мактаб-интернатларда ўтказилган назорат тадбирларида ушбу муассасаларнинг педагог кадрлари дарсликлар ва ўқув қуроллари билан тўлиқ таъминланганлиги, ўқув-амалий машғулотлар хоналари, ётоқхона ва ошхоналарнинг таъмирланиши, куз-киш мавсумига тайёргарлик жараёни ўрганиб чиқилди.

Таъмирлаш ишлари учун Каттақўрғон шаҳридаги 5-мактаб-интернатга 3 млрд. 198 млн., Оқдарёдаги 63-мактаб-интернатга 100 млн., Самарқанд шаҳридаги 59-мактаб-интернатга 71 млн., 60-мактаб-интернатга 3 млрд. 337 млн., 61-мактаб-интернатга 1 млрд. 447 млн., 62-мактаб-интернатга 2 млрд. 100 млн. сўм маблағлар ажратилган. Айни вақтда Оқдарё туманидаги 63-мактаб-ин-



тернат, Самарқанд шаҳридаги 59-сонли ва 61-мактаб-интернатларда таъмирлаш якунланган.

Каттақўрғон шаҳридаги 5-мактаб-интернатда, Самарқанд шаҳридаги 5-сонли, 60-сонли ва 62-сонли мактаб-интернатларда таъмирлаш ишлари 90-95 фоиз амалга оширилган. Бу муассасаларда таъмирлаш ишларини олиб бораётган "Чинор Билдиган", "Бунёд сантехникмонтаж", "Зарафшон КШУ" қурилиш ташкилотлари раҳбарлари белги-ланган муддатда тўлиқ якунлаш ҳақида расман огоҳлантирилди.

Кўмир билан иситишга мослашган таълим муассасаларига режалаштирилган кўмирнинг 345 тоннаси келтирилган. Қолган ёнилгини сентябрь ойи мобайнида тўлиқ олиб келиш чоралари кўрилди. Махсус мактаб-интернатларнинг 61 та, меҳрибонлик уйлари-

нинг 21 та қозон ва печлари таъмирланган.

Янги ўқув йили учун мазкур муассасаларга белгиланган дарслик тўпламлари олиб келиниши лозим бўлиб, шу кунга қадар 750 та дарслик тўплами олиб келинган. Халқ таълими бошқармасига қолган тўпламларни тез кунда келтириш ҳақида кўрсатма берилди. Барча муассасалар ошхона анжомлари билан етарли даражада таъминланган. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари кийим-бош, пойабзал билан мунтазам таъминлаб келинмоқда.

Афсуски, бу жараёнда қўнғузбарлик ҳолатлари ҳам аниқланиб, айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал қилинди. Хусусан, Самарқанд шаҳридаги 64-сонли алоҳида тарбияга муҳтож болалар ва ўсмирлар махсус мактаб-интернатда 5 млн. 637 минг

Шерзод МАҲАММАДИЕВ,  
Самарқанд вилоят прокурорининг  
катта ёрдамчиси

сўмлик эҳтиёт қисмлар ва 28 млн. 149 минг сўмлик қурилиш материаллари талон-тороғ этилган. Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.


Ургут туманидаги соғломлаштириш мактаб-интернатда ўқув ва ётоқ хоналари, овқатланиш комплексини таъмирлаш чоралари кўрилган. Мазкур масала вилоят вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиясига маълум қилинган сўнг муассасани реконструкция қилишни 2016 йилги инвестиция дастурига киритиш хусусида Халқ таълими, Молия ҳамда Иқтисодийёт вазирликларига ёзма равишда мурожаат қилинди.

Шунингдек, мактаб-интернатда болалар халқ таълими бошқармаси ҳузурига психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосаси олинмасдан қабул қилиниб, ходимларга 143 млн. 228 минг сўм қўшимча устама ҳақ ортқица тўланган. Мазкур ҳолат юзасидан вилоят прокуратураси томонидан мактаб-интернат мансабдор шахсларига нисбатан ҳуқуқий чоралар кўрилди.

Бу борада ўтказилган назорат тадбирлари натижасига кўра 1 та жиноят иши қўзғатилди, 3 нафар масъул шахс расман огоҳлантирилди, 8 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Шунингдек, бир нафар қўнғузбарлик ҳолатларини бартафат этиш юзасидан вилоят ҳокими — вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия раиси номига ахборот, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғига тақдимнома киритилди.

Мақсадимиз — болажонларга қувонч улашиш ва албатта, улар учун зарур шарт-шароитлар яратишдан иборат.

# Эришилган ютуқлар ислоҳотлар натижасидир



**Таъкиллаш жоизки, сайёраимиз аҳолисининг қарийб 1 млрд. нафарни тўйиб овқатланмаётган ва бу борадаги муаммо тобора кескинлашиб бораётган бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш инсониятнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қоламоқда.**

Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистоннинг озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш йўлида танлаган ва белгилаган стратегияси нақадар тўғри бўлганлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Айниқас, бу борада Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ёндашуви тубдан ўзгаришининг дастлабки тадбирларидан бири сифатида давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 1989 йилда аҳолига 400 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларни томорқа учун ажратиб бериш бўйича қарор қабул қилганлиги мисли кўрилмаган жасорат эди.

Аграр соҳада бозор муносабатлари ва институционал ислохотларни изчил амалга оширишнинг кейинги босқичларида экин майдонларининг таркибий ўзгариши, галла майдонларини кенгайтириш мақсадида гўза экиладиган майдонлар деярли 2 мартаба камайтирилди. Бунинг натижасида бир пайтлар истеъмол учун 5 млн. тоннадан ортиқ донни импорт қилган Ўзбекистон галла мустақиллигига эришди. Ҳозирга қелиб мамлакатимиз ўртача 7 млн. тоннадан зиёд дон етиштирмоқда. Айни вақтда давлатимиз бугунги би-

лан нафақат ўз эҳтиёжларини таъминлаётган, балки уни экспорт қилиш имкониятига ҳам эга.

Яна бир муҳим жиҳат, давлат ва жамоа ҳўжаликлари тугатилиб, замонавий кишлққ ҳўжалиги технологиялари асосида меҳнат унумдорлигини оширишга қодир фермер ҳўжаликлари ташкил этилди. Айниқас, пахта ва галла етиштиришни кўпайтириш билан бирга, картошкачилик, узумчилик, асаларичилик, паррандачилик ва балиқчилик ривожлантирилди. Шунингдек, кишлққ ҳўжалигида ишлаб чиқаришни имтиёзли кредитлаш тизими яратилди. Фермер ва деҳқон ҳўжаликларига хизмат кўрсатиш, уларни зарур моддий-техник ресурслар билан таъминлаш тизими жорий этилди. Ўзбекистоннинг тупроқ-иклим шароитида ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва ирригация ишларини бажаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича кенг миқёсдаги тадбирлар амалга оширилди. Кишлққ ҳўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва ташиш, шунингдек, уларни қайта ишлаш учун логистика тизимлари шакллантирилди. Қисқача қилиб айтганда, аграр соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг

нафақат миқдорини ошириш, балки сифат жиҳатдан ҳам сезиларли натижаларга эришиш имконини берди.

Экин майдонларини оптималлаштириш бўйича кенг қамровли ишларнинг амалга оширилиши ҳосилдорлик ва ишлаб чиқариш кўламининг ўсишига олиб келди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз аҳолисининг сони қарийб 10 млн. нафарга ортишига қарамай, аҳоли жон бошига кишлққ ҳўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробар, жумладан, гўшт 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотлари 1,6 марта, картошка 1,7 марта, сабзавот 2 марта, мева қарийб 4 марта ўсди. Бугунги кунда мамлакатимизда ҳар йили 17 млн. тоннадан кўпроқ мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилмоқда. Жон бошига сабзавот 300 килограммдан, картошка 75 килограммдан ва узум 44 килограммдан ёки истеъмол эҳтиёжидан тахминан уч марта кўп етиштирилмоқда.

Аҳолини йил давомида сабзавот маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашда қайта ишлаш ва сақлаш масалалари ҳам катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ўтган 10 йилда сабзавот ва узум маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми 2,5 баробар, жумладан, мева-сабзавот консервалари миқдори 3,5 баробар, қуритилган мевалар 4 марта, табиий шербатлар эса 7 марта ўсди.

Бугунги кунда мева ва сабзавотларнинг 180 дан ортиқ тури янги узилган ва қайта ишланган ҳолда экспорт қилинмоқда. Уларнинг экспорти таркибида янги мева ва сабзавот улуши 73 фоизни ташкил этди. Қувонарлиси, аҳоли эҳтиёжидан ортаётган маҳсулотларни экспорт қилиш йил сайин кен-

гаймоқда. Авваллари кишлққ ҳўжалик маҳсулотлари республикамиздан аънавий тарзда асосан Россия, Қозғистон ва бошқа МДҲ мамлакатларига етказиб берилган бўлса, бугунги кунда юртимизнинг мева ва сабзавотларини дунёнинг 120 дан ортиқ мамлакатлари аҳолиси истеъмол қилаётди.

Кейинги йилларда юртимиз маҳсулотлари учун Европа ва Осиё мамлакатлари бозорларида талабнинг ортишига кутилди. Хусусан, сўнгги икки йил мобайнида Норвегия, Таиланд, Индонезия, Гонгконг, Япония, Мўғулистон, Саудия Арабистони, Словакия каби давлатлар ҳисобига экспорт кўлами кенгайди.

Чиндан ҳам Ўзбекистон деҳқончилиги ва боғдорчилик бобида юксак салоҳият ҳамда катта тажрибага эга. Соҳада қўлга киритилаётган улкан муваффақиятларимиз хорижий мамлакатларнинг кўзга кўринган олим ва мутахассислари, нуфузли халқаро ташкилотларнинг мақсадида давлат томонидан юксак баҳоланаётди. Хусусан, уларнинг фермер ҳўжаликларини жадал ривожлантириш мақсадида давлат томонидан имтиёз ва преференциялар бериш, кишлққ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича миллий тажрибамизни кенг ўрганишга тасвия этилган ҳар бир юрtdошимиз қалбида ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотмоқда. Зеро, Президентимизнинг ташаббуси билан асос солинган фермерлик ҳаракати ўзбек деҳқонига мулкдор бўлиш, ўз меҳнатидан манфаат кўриш, рағбат топишдек бахт-саодатни берди.

# Табиат муҳофазаси доимий эътиборда

**Сув азиз неъмат сифатида жуда қадрланади. Бировга яхшилик қилган одамни нуроний отахон ва онахонларимиз "Сувдай сероб бўл" дея алқайдилар. Афсуски, табиатни муҳофазаси қилиш у ёқда турсин, инсоннинг ўзига давлат машинасининг бир муруввати сифатида қаралган собиқ тузум даврида сув билан боғлиқ муқаллас тушунчалар оёқ ости қилинди. Сувнинг ўзидан эса исрофгарчилик билан ҳўжасизларча фойдаланилди.**

Бугун мана шундай сиёсатнинг аянчли оқибатларини қуриб бораётган Орол денгизи мисолида кўриб турибмиз. Денгиз неча минг йиллар илгари пайдо бўлган бўлса, 1960 йилга қадар ер қуррасининг йирик сув ҳавзаси сифатида тан олинган. Денгизнинг ярмидан кўпи, яъни жануби-ғарбий қисми Қорақалпоғистон Республикаси, шимол-шарқий қисми эса Қозғистон ҳудудида жойлашган. Денгиз сув юзаси ҳажми дунёда катталиги жиҳатидан тўртинчи ўринни эгаллаган.

Унинг майдони 68 минг кв. км ва сув ҳажми минг куб км.ни ташкил қилган. Мазкур йирик сув ҳавзасининг энг чуқур жойи 69 м., узунлиги 428 км., эни эса 235 км.дан иборат бўлиб, Марказий Осиё иқтисодиётини ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва

барқарор ижтимоий инфратузилмани шакллантиришда муҳим рол ўйнаган.

Орол бўйида балиқчилик соҳаси жуда ривожланиб, сув ҳавзаларида балиқчилар йилига 35 минг тоннадан ортиқ турли балиқларни овлаганлар, ҳудудда яшовчи 80 фоиздан ортиқ аҳоли асосан балиқ овлаш ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда манзилга жўнатиш билан банд бўлган.

Бир пайтлар Амударё ва Сирдарё ирмоқларидаги унумдор ерлар, юқори самарали йилво ва сув ҳавзалари 100 мингдан ортиқ одамларнинг чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва бошқа кишлққ ҳўжалиги соҳаларида иш билан бандлигини таъминлаган.

Денгиз иқлим барқарорлиги билан экологик мувозанатни сақлаб, кишлққ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва аҳолининг яшаш шароитини яхшилашда ижобий рол ўйнаган, яъни киш фаслида



ҳудудга келган совуқ ҳаво оқими Орол экваториси устида илиқлашиб, ёз фаслида эса салқин тортган.

Оролбўйи ҳудуди ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси қилмаҳил бўлган. Мазкур минтақада балиқларнинг 38 тури ва қатор камёб ҳайвонлар яшаган, сайғоқларнинг сони ўша пайтларда 1 млн. бошгача етган, флора дунёси 638 хил ўсимлик турларидан ташкил топган.

1960 йилдан кейин сув сатиҳи сезиларли даражада камай

бошлаган.

Охириги 50 йилда Оролга қуолувчи сувлар ҳажми ўртача деярли 4,5 баробарга камайиб кетган.

Оролбўйи минтақасида юз берган табиий йўқотишлар натижасида ўсимлик ва ҳайвонот оламининг ярмидан кўп генофонди, яъни балиқларнинг 11 та тури, сут эмизувчиларнинг 12 та тури, қўшларнинг 26 та тури ва ўсимликларнинг 11 та турлари йўқолиб кетган.

Ўтган йилнинг 28-29 октябрь

**Мухамбетали БАБАТАЕВ,**  
Орол табиатни муҳофазаси қилиш прокурори

кунлари Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан Урганч шаҳрида "Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш" мавзусида халқаро конференция ўтказилган эди. Анжуманини ўтказишдан кўзланган мақсад жаҳон ҳамжамияти сайёҳаракатларини Оролбўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий аҳволни яхшилашга қаратилган давлат ва лойиҳаларни амалга оширишга жалб этиш, ушбу экологик офатнинг салбий оқибатларини камайитириш учун халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдан иборат бўлиб, унда 24 та нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, молия институтлари вакиллари, 26 та давлатдан экология, иқлим ўзгариши ва сув ресурсларини бошқариш соҳаси олим ва экспертлари иштирок этишди.

/Давоми 7-бетда/

Маълумки, айни вақтда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ва унинг ҳудудига олиб кириллаётган тамаки маҳсулотларини белгилаган намунадаги акциз маркалари билан мажбурий маркалаш тартиби жорий этилган. Бу қонун-қоидаларга риоя қилмай туриб, тамаки маҳсулотларини юртимизга олиб кириш, ташиш, саклаш ва сотиш тақиқланади. Афсуски, орамизда ушбу тартиб-қоидаларни бузувчилар ҳам учраб турибди.

## Каналдан оқиб ўтган юк

Тўлқин ШАРИПОВ,  
СВОЖДЛҚК департаментининг  
Чиноз туман бўлими бошлиғи

СВОЖДЛҚК департаментининг Чиноз туман бўлими томонидан ана шундай кимсаларнинг фаолиятига чек қўйиш, тамаки маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишининг олдини олиш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда. Чунинчи, департаментнинг туман бўлими ходимлари ҳудуддаги Яллама кишлоғида яна бир қонунбузарликни фош қилишди.

Чинозлик фуқаролар Шамил Абдулов, Латиф Йўлчиев ҳамда Рамазон Фаттоҳовлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўзaro жиноий тил бириктириб, кўшни Қозогистон Республикасида ноқонуний равишда тамаки маҳсулотлари олиб киришга келишиб олишади. Аввал Ш.Абдулов ишга киришади. У кўшни республикалик танишларига қўнроқ қилиб, "Парламент" сигаретлари жўнатишларини айтади. Келишувга кўра, нархи 22 млн. 350 минг сўмлик бўлган 2980 қути "Парламент" номли сигаретлар полиэтилен қопларга жойлаштирилиб, тумандаги "Яллама" божхона пости яқинидан оқиб ўтувчи "Бўзсув" каналдан республикамиз ҳудудига ўтказиб юборилиши керак эди.

Ўтган йилнинг январь ойида, тунги соат 3:00 ларда уволдан юкни олиш учун белгиланган жойга келишади. Л.Йўлчиев ҳамда Р.Фаттоҳовлар машинада қолишади. Шамил эса канал ёқалаб юкни излашга тушади. Ярим кечада уч кишининг ҳаракати ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларида шубҳа уйғотади. Машинада шеригини кутиб турган Л.Йўлчиев ҳамда Р.Фаттоҳов ҳуқуқ тартибот ходимлари томонидан савол-жавоб қилинганда, уларнинг қилмишлари аён бўлди. Юк олиш учун кетган Ш.Абдулов ҳам кўп ўтмай, ноқонуний тарзда республикамиз ҳудудига ўтказиб юборилган тамаки маҳсулотларини орқалаб кўриниш берди. Хуллас, ноқонуний бойлик орттирмақчи бўлган бу кимсаларнинг уринишлари наф бермади.

Жиноят ишлари бўйича Оққўрғон туман суди Ш.Абдулов, Л.Йўлчиев ҳамда Р.Фаттоҳовларнинг қилмишларини атрофлича кўриб чиқди ва уларга тегишли жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди.

Хулоса шуки, яширин равишда, қонунларимизга хилоф тарзда четдан маҳсулот олиб келиб сотишни мақсад қилган фуқароларнинг фаолиятига эртами-кеч барибир барҳам берилади.

# Хуфриёна тадбиркорликка барҳам берилди

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Хатирчи туман бўлими ходимлари томонидан яширин цехларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, бўлим томонидан электр тармоқлари ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир давомида Хатирчи туман "Янгирабат" МФИда яшовчи фуқаро Даврон Норқулов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўз хонадонидан электр тармоғига ноқонуний улашиб, давлатга 194,8 минг сўм зарар етказганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат атрофлича

ўрганилганда, Даврон Норқулов ўз хонадонидан қўлбола усулда ясалган мойжувоз ускунасида пахта чигитдан ёғ ва кунжара ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётганлиги маълум бўлди. Тадбир давомида Даврон Норқуловга тегишли мойжувоз ускуналари, 35 кг. пахта ёғи, 81 кг. чигит ва бошқа маҳсулотлар, жами 2 млн. 700 минг сўмлик товар-моддий бойликлар ашё-

вий далил сифатида олиб кўйилди.


Шу билан бирга, Хатирчи туман ДСЭНМнинг хулосасига кўра, фуқаро Даврон Норқуловдан олиб кўйилган 15,6 кг. пахта ёғининг истеъмолга яроқсиз эканлиги ҳам аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан бўлим томонидан фуқаро Даврон Норқуловга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси

Санжар ИМОНОВ,  
СВОЖДЛҚК департаментининг  
Хатирчи туман бўлими  
катта суриштирувчиси

билан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Мўмай даромад илнжидан инсон саломатлиги ва жамият манфаатларига бундай муносабатда бўлган ҳар бир шахс қонун олдида жавоб бериши шубҳасиз.



## Яширинча тортилган қувур

Акмал АЗЛЯРОВ,  
СВОЖДЛҚК департаментининг Тошкент вилоят  
бошқармаси бўлим бошлиғи

Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини белгилашда унинг табиий бойликлари, ёқилғи-энергетика ресурслари катта ўрин тутади. Бу борада мустақил мамлакатимиз имкониятлари ҳавас қилас арзигулик. Бироқ, бу улардан режа-мақсадсиз, бебиланска фойдаланавиш мумкин дегани эмас.

Бинобарин, уларни асраб-авайлаш, келгуси авлодларга ҳам тўла-тўқис етказиш лозим. Бир сўз билан айтганда, табиий бойликлар халқники, уларни ҳўжасизларча тасарруф этиш, ўз манфаатлари йўлида исрофгарчиликларга йўл қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Хусусан, СВОЖДЛҚК департаментининг Қибрай туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда табиий газдан ҳўжасизларча фойдаланиш, газ тармоқларига ноқонуний улашиб ҳолати фош этилди. Ўтган йилнинг декабрь ойида тумандаги Ёнарқиз кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан яшовчи фуқаро Салим Акба-

ров (исм-фамилияси ўзгартирилган) 80 сотих ерга иссиқхона қуради. Бу албатта хайрли иш. Лекин у кейинги ишини амалга оширишда қонунларни четлаб ўтишни мақсад қилди. С.Акбаров иссиқхонаси яқинида ер остидан ўтган газ қувурига ўзбошимчалик билан яширинча улашиб, табиий бойликдан ҳўжасизларча фойдаланиб келаётганлиги маълум бўлди. Бу шахс хайрли ишга қўл урибди-ю, фаолиятини давом эттиришда хато ўйлабди. Қонунни четлаган қоқилади, деб бежизга айтишмаган. С.Акбаров ўзининг ушбу ноқонуний ҳаракати билан туман газ идорасига 44 млн. 788 минг сўм зарар етказганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат жиноят ишлари бўйича Қибрай туман судида кўриб чиқилиб, С.Акабаровнинг қилмишига яраша жазо тайинланди.

## Тама қурбони

Ёрмуҳаммад Саидмуродов ўн йил давомида Иштихон туман "Ҳўжалик ҳисобидида ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хўжасизлари давлат унитар корхонаси бошлиғи лавозинида ишлаб келди. Қўпчиликка фойдасиз тегиб, ҳўрмат қозони. Аммо охириги вақтларда мансабидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ўтди. Олмига иш юзасидан келган фуқароларга тама кўзи билан қараймиган бўлди. Бу эса ўзига сўнгги пушаймонлиқни келтирди.

Бир куни унинг қабулига тумандаги "Оқчўроғоси" кишлоғида яшовчи Шерзод Жўрақулов кирди.

— Яқинда опам олти сотих жойга янги уй-жой қурганди. Илтимос, шунга кадастр ҳужжатларини қилиб берсангиз, — деди.

Бошлиқ олдинига унибун бўлмади, деб кўрди. Охири кингир ниятини амалга оширишга киришди.

— Кадастр ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиб, гувоҳнома бериш керак экан-да.

— Ҳа, шунга ёрдам қилсангиз.

— Майли қиламиз, фақат бу ўзидан ўзи бўлмайди, — деди.

Шерзод иши битмай қолишидан чўчидими, тезда мақсадга кўчди.

— Қанча бўлади?


— 500 минг сўм.

Қабулдан чиққан Шерзод унинг тамагирлигидан жаҳли чиқди. Сўнг бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар берди.

Ислом ШЕРОВ,  
СВОЖДЛҚК департаментининг  
Самарқанд вилоят бошқармаси  
бўлим бошлиғи

Эртасига Ёрмуҳаммад Саидмуродов Иштихон туман кадастр хўжасизлари биносига Шерзод Жўрақуловдан 500 минг сўм пулни пора тариқасида олаётганида қўлга олинди.

Суд ҳукми билан Ёрмуҳаммад Саидмуродов 8 йил-у 6 ойга озодликдан маҳрум этилди.



## Ўрганган кўнгли...

Шерзодбек ЎРМОНОВ,  
СВОЖДЛҚК департаментининг  
Олтинқўл туман бўлими  
суриштирувчиси

Ички валюта бозорининг эркинлашуви эса товарлар экспорт-импорти, валюта олди-сотдиси, молиявий операциялар ва савдога алоқадор бўлган пул ўтказиш тушумларининг эркинлашувига олиб келади. Шу сабабли фуқароларимиз ушбу қонуний имкониятлардан унумли фойдаланиб, давлатга манфаат келтириш билан бирга, ўзларининг қонуний даромадларига ҳам эга бўлмоқдалар.

Лекин улар орасида давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлардан фойдаланиш ўрнига валютафурушлиқни касб қилиб олиб, эски "хунарини" давом эттириб келаётганлар ҳам йўқ эмас.


Омадбек Абдурахимов содир этган қилмиши учун аввал ҳам маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармади. Аксинча, Олтинқўл туман "Дехқон бозори" МЧЖ ҳудудидаги матбуот дўкони олдида фуқаролардан чет эл валюта қимматликларини олиб, қиммат нархда сотиб, даромад олишни қанда қилмади.

О.Абдурахимов бир харидордан 200 АҚШ долларини ноқонуний равишда 576 минг сўмга сотиб олаётган вақтда ушланди. Тадбир давомида ундан 250 АҚШ доллари, 2900 Россия рубли ва валюта маблағларининг ноқонуний сотувидан тушган 11 млн. сўмдан ортиқ Ўзбекистон сўми ашёвий далил сифатида олиб кўйилди.

Ушбу ҳолат юзасидан суд ўз ҳукмининг ўқиди. Унга кўра, О.Абдурахимовга олдида иш ҳақининг 20 фоизи миқдоридан давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

# Ахборот хавфсизлигини таъминлаш — давр талаби

Жаҳон ҳамжамияти глобаллашув ва интеграциялашув асрига илдам қадам қўймоқда. Дарҳақиқат, инсоният тарихида тамоми янги, тез ўзгарувчан жараёнлар ҳукмрон бўлган давр бошланди. Мазкур давр ўзининг кенг қамровлиги, ёшларнинг таълим-тарбиясига катта таъсир кўрсата олиши, ахборот соҳасида ўзгаришлар бошлаб бераётганлиги билан ажралиб туради. Мамлакатимиз ҳам халқаро ҳамжамиятнинг ажралмас қисми сифатида мазкур жараёнлардан холи бўла олмайди.



Мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ХХI боб ("Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар") билан тўлдирилиб, унга асосан ахборотлаштириш қоидаларини бузганлик, компьютер ахборотидан қонуни ҳилоф равишда фойдаланганлик, компьютер тизимидан қонуни ҳилоф равишда фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадида қўллаб тайёрлаганлик ёхуд ўтказганлик ва таркатганлик, компьютер ахборотини модификациялаштирганлик, компьютер саботажига ҳамда зарар келтирувчи дастурларни яратганлик, ишлатганлик ёки таркатганлик учун тегишли жавобгарлик назарда тутилди. Мазкур норматив акта мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ҳам компьютер тизимидан фойдаланишга рухсати бўлган шахс томонидан ушбу тизимдан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларининг бузилганлиги учун жавобгарлики назарда тутувчи махсус норма билан тўлдирилди. Ушбу ҳужжат билан киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мамлакатимизда ахборот технологиялари соҳасидаги тегишлиликнинг олдини олиш, бу соҳадаги жиноятчиликда латентликини камайтириш, унга қарши аниқ чора-тадбирлар асосида курашиш, айниқса, жамиятни ахборот-коммуникация технологияларидан жинойи мақсадларда фойдаланишдан самарали ҳимоя қилиш муаммосини ҳал этиш ва ахборотлаштириш соҳасини муҳофаза қилишни таъминлаш имконини берди. Қолаверса, қонуничиликдаги мазкур нормалар ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича илгор халқаро стандартлар талабларига мувофиқ келади.

Ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида давлат бошқарувини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 октябрдаги ПФ-4475-сонли Фармони ҳамда 2012 йил 23 октябрдаги ПҚ-1836-сонли Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги негизда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ташкил этилди. Шунингдек, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини, "Электрон ҳукумат" тизими ҳамда ахборот тизимларини жадал татбиқ этиш, телекоммуникация инфратузилмасини ва маълумотларни узатиш тармоқларини модернизация қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 февралдаги ПФ-4702-сонли Фармони ва ПҚ-2293-сонли Қарорига асосан мазкур Қўмитага Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мақоми берилди.

Ўз навбатида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, телекоммуникация тармоқлари, ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилишнинг замонавий технологияларини жорий этиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини ташкил қилиш, интернет тармоғи орқали аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг дунёқарашига ва онгига салбий таъсирнинг олдини олиш учун ахборот ресурсларини ҳимоя қилиш бўйича техник инфратузилмаларни янада ривожлантириш бўйича ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ёш авлоднинг ахборотга бўлган ва интеллектуал талаб-аҳтиёжларини қондириш мақсадида тармоқ ресурсларини ривожлантириш ва шу қабилар вазирлиқнинг вазифалари ҳамда асосий фаолият йўналишлари эътиб белгиланди.

Шу билан бирга, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 16 сентябрдаги 250-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузурида Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази ташкил этилди ҳамда мазкур Марказнинг асосий вазифалари белгиланган берилди.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, мавжуд ахборот ресурсларини бошқариш, ушбу соҳадаги аниқ ва равшан стратегияни ишлаб чиқиш каби вазифалардан ташқари, ушбу муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини яратиш, уларни замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш каби масалалар бугунги кунда долзарб бўлиб турибди. Шу маънода, мамлакатимизда миллий ахборот тизими хавфсизлигини, унинг ахборот тизимлари ва ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар ушбу соҳа ривожига, пировардида эса шахс, жамият ва давлат ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг изчил тизимини яратишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Шу боис халқаро стандартларга мос келадиган ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга бўлган аҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, давлат бошқаруви органлари фаолиятида очиклигини таъминлаш, мамлакатимизда тарқиқётнинг миллий хусусиятларини инобатга олган ҳолда босқичма-босқич "Электрон ҳукумат" тизимидаги ўтиш жамиятимиз олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир.

Шу билан бирга, "Электрон ҳукумат" тизими ривожланиши шартларида ахборот тизимларининг кенг миқёсдаги ички ва ташқи хавфлар, шунингдек мазкур тизимлар нормал фаолият юритишнинг бузилиши натижасида келиб чиқадиган оқибатлар тўғрисида айтиб ўтиш зарур. Зеро, ахборот, ахборот тизимлари ва ахборот муносабатлари субъектлари хавфсизлигининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, ахборотни муҳофаза қилишнинг замонавий усул ва воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга самарали татбиқ этиш тора долзарб аҳамият касб этиб бораётган масалалардан ҳисобланиб, мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларининг изчил ривожланишига хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда мамлакатимизда жамият ва давлат бошқарувини ахборотлаштириш, шунингдек, шахс, жамият ва давлат

нинг ахборот хавфсизлигини таъминлашни янада такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мустақиллик йилларида мазкур соҳани тартибга солишга қаратилган "Ахборот эркинлиги принциплари ва қарорлари тўғрисида", "Ахборотлаштириш тўғрисида", "Электрон рақамли имзо тўғрисида", "Алоқа тўғрисида", "Радиочастота спектри тўғрисида"ги каби йўналишдаги қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонун ҳужжатлари ахборотнинг муҳофаза қилинишини ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш, хусусан, ахборот ресурсларининг тарқалиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, қалбақлаштирилиши ва улардан бошқача тарзда рухсатсиз эркин фойдаланилишининг олдини олиш билан боғлиқ масалаларни тартибга солиди. Ўз навбатида, уларнинг қабул қилиниши ушбу соҳада илгари мавжуд бўлмаган ҳуқуқий институтларни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш имконини берди.

Бундан ташқари, мавжуд қонун ҳужжатларига ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида ахборот хавфсизлигини кучайтиришга қаратилган бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган "Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонуни ҳилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунига

— аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун зарур ижтимоий ва иқтисодий механизмлар ва рағбатлантирувчи омилларни яратиш, асосий инфратузилма ва коммуникацияларини ривожлантириш. Бу ерда яшаётган аҳолида тушқунлик кайфиятининг юзага келишига йўл қўйишга бизнинг ҳаққимиз йўқ ва уларга муносиб ҳаёт кечириши, ўз бизнесини ривожлантириши, уларни янги иш ўринлари ва даромад манбалари билан таъминлаш учун барча имкониятларни яратиб бериш зарур, десам, уйлайманки, бу фикрга барчангиз қўйиласиз;

— ҳайвонот ва ўсимлик олами биохимла-хиллигини, жумладан, кичик сув ҳавзалари яратиш орқали сақлаш ва қайта тиклаш, минтақанинг ноёб флора ва фаунасини асраб-авайлаш даркор.

Мустақилликдан кейин Оролбўйи минтақасидаги экологик аҳолини яхшилаш, экологик бўҳрон оқибатларини юмшатиш борасида бир қанча муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солидиган ва табии муҳофаза қилиш самарадорли-



гини оширишга қаратилган бир қанча қонунлар қабул қилинди.

Шунингдек, сув ресурсларини тақчиллиги ва чўлланиш муаммоларини ҳал этиш, сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, ерларнинг шўрланиши ва емирилишига қарши курашиш, аҳолининг ичимлик сувидан фойдаланишини яхшилаш, минтақада тобора кучайиб бораётган экологик ва иқлим ўзгаришининг салбий таъсири билан боғлиқ касалликларни даволаш учун зарур инфратузилмани шакллантиришга йўналтирилган кенг қўламли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Оролбўйида аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, турар жой, иж-

тимоий ва транспорт-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ жойларда замонавий уй-жойлар, умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари, врачлик пунктлари барпо этиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ерларнинг мелiorатив холатини яхшилашга оид дастурлар амалга оширилиб, катта ижобий натижаларга эришилмоқда.

Орол табииати муҳофаза қилиш прокуратураси томонидан ўтган давр давомида қонунилик ижроси устидан назорат соҳасида текширишлар ўтказилиб, уларнинг натижалари бўйича қонунбузилишларга йўл қўйган идоралар раҳбарлари номига 11 та тақдирнома киритилди. Қонунига зид ҳужжатларни бекор қилиш ёки қонун ҳилофлиги бўлган ҳужжатларни тўғрисида 17 та протест келтирилди. Прокорурнинг қарор ва тақдирномаларига асосан 19 нафар шахс интизомий, 58 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Табиатга етказилган жами 48 млн. сўмлик зарар қонунбузилишига йўл қўйган шахслардан ундирилиши таъминланди.

## Табиат муҳофазаси доимий эътиборда

/Давоми. Бошланиши 5-бетда/

Орол инқирозининг атроф-муҳит ва бу ерда яшаётган миллионлаб аҳоли ҳаётига ҳалокатли таъсири, хусусан, пухта ўйланган, аниқ манзилли ва тегишли молиялаштириш манбалари билан таъминланган лойиҳаларни амалга ошириш орқали камайтириш шу куннинг энг муҳим долзарб вазифаси этиб белгиланди.

Юртбошимиз бу борада асосий заҳиралар мавжуд бўлган қуйидаги йўналишларда тегишли тадбирларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлаган эди:

— бугунги кунда Оролбўйида юзага келган омонат экологик мувозанатни мустаҳкамлаш, чўлланишга қарши курашиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, улардан тежаб-тергаб, оқилноа фойдаланиш;

— Оролбўйи аҳолисининг генотипи ва саломатлигини сақлаш ва таъминлаш учун шароит яратиш, ижтимоий инфратузилмани, тиббиёт ва таълим муассасалари тармоғини кенг ривожлантириш;

Айни катта ҳаёт бўсағасида турган айрим ёшларнинг ўйламай-нетмай ноҳўя хатти-ҳаракатларни содир этиши афсусланарлидир. Ака-ука Жасур ва Жавлон Исмоиловлар ҳамда Иқбол Эрматов (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг охирини ўйламай қилган қилмишлари уларни умрларининг каттагина қисмини панжара ортида ўтказишга мажбур қилди.

## Қарз учун суиқасд

Бахтиёр ИБРАГИМОВ,  
Тошкент вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Жасур кабелъ ишлаб чиқариш заводидан ишлаб юрган кезлари Носир Полвонов билан танишиб қолади. Тез орада улфат бўлиб олиши. Бу орада пул олди-бердиси борасида муаммо пайдо бўлиб, икковлон ўртасидаги муносабат совуқлашиб қолди. Носирдан пулларини қандай қайтариб олиш масаласида бош қотириб юрган Жасур кўп ўтмай мудҳис қарорга келади. Ўйлаган режасини амалга ошириши учун унга шерик керак эди. Ж.Исмоилов кўп ўйлаб ўтирмай укаси ва жиянини "хамкорлик"ка чорлайди.

Учовлон 3 млн. 500 минг сўм пулни олган қарздорнинг танобини тортиб қўйиш режасини келиши олиб, ишга киришилади. Жасур укаси ва жиянини бошлаб, Яшнобод туманидаги ҳарбийлар шаҳарчасига боради. Чунки Носир ўзининг бошқарувидаги автоловда ҳар куни ишдан сўнг ёқтирган қизини уйига кузатиб қўяр эди. Жиний гуруҳ бир муддат йигитни кутиб турганда, Н.Полвоновнинг машинаси кўринади. Жасур дархол унинг қўл телефонига кўнғироқ қилиб, зарур иш борлигини айтади. Носир йўналишни улар томонга ўзгартиради. Етиб келганидан сўнг Н.Полвоновнинг машинасига ўтиришади. Жасур ҳайдовчининг ёнидаги ўриндиққа ўрнашади.

— Бир танишимдан 650 минг сўм олишим керак. Агар бирга борсак, 300 мингини сизга бериб туришим мумкин, — дейди Жасур "қармоқ ташлаб".

— Қаерга боришимиз керак бўлади?  
— Қибрайга...  
— Яхши, — Носир шундай дея машинани ўт олдиради.

Улар Қибрай тумани Селекция маҳалласи худудига етиб келишганда Жасурнинг ишораси билан орқа ўриндиқда ўтирган Иқбол олдиндан тайёрлаб қўйилган камар билан Носирнинг бўйнига сиртмоқ ташлайди. Бундан фойдаланган ака-укалар жабрланувчига хужум қилишади. Уч "азамат"га қаршилик кўрсатишга имкон топа олмаган ҳайдовчи жон таслим қилади. Зўравонлар машина бошқарувини ўз қўлларига олиб, "Салор" каналига боришади. Н.Полвоновнинг жонсиз танасини автоловдан тушириб, судраб канал бўйига олиб келишади ва каналга ташлаб юборишади.

Бир инсоннинг умрига зомин бўлиб, ҳеч нарса бўлмагандай ортларига қайтаётган йигитлар марҳумга тегишли уяли алоқа телефони ҳамда 110 минг сўм пулни ҳам киссаларига уришади. Бу ҳам етмагандек, Ж.Исмоилов Н.Полвоновнинг танишига тегишли бўлган ҳужжатларни ёқиб юборади.

Мазкур ҳолат юзасидан олиб брилган тезкортергов ҳаракатлари натижасида жиноятчилар қўлга олинди. Учовлоннинг қилмишини кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди уларнинг ҳар бирига узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.



## Фирибгарнинг қўш найранги

Мансур СИДДИҚЖОНОВ,  
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори

Қашқадарёлик Содиқ Пирматов (исм-фамилияси ўзгартирилган) эндигина ўттиз ёшни қаршилаётган, тоғни урса талқон қилгулик кучи бор, ақлу ҳуши жойида йигит. Бир оиланинг бошлиғи, икки нафар фарзанднинг отаси. Аммо бирон касб ёки ҳунарни эгаллаб, жамиятда тўғри йўлдан боришга, ҳалол ишлаб рўзгор тебратишга бўйни ёр бермайдиганлар тоифасида.

Бундай дейишимизнинг маълум сабаблари бор, албатта. Ушбу воқеага-ча Содиқ ёш бўлишига қарамай, бир марта судланишга ҳам улгурган эди. У муқим иш жойи топиб, сабр-тоқат билан ишлаш ўрнига, тараллабедод қилиб юриб, фирибгарлик билан кун кечиришдек фарз мақсадни кўзлади.

С.Пирматов илк бора судланганда, унга ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уч йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаган эди. Афсуски, Содиқнинг ўрганган кўнгли яна ўртаниб, жазо муддатга тугамасданок, қилмишининг оқибати бу сафар оғирроқ бўлишини ҳам ўйлаб ўтирмай, такроран фирибгарлик жиноятга қўл урди. Гап шундаки, бу сафар у ўзининг фарзали мақсадини амалга ошириш учун пойтахтга йўл олди. Тошкентга келган, ўзининг танишлари орасида гўёки машина олди-сотди-си билан шуғулланаётганини айтиб, сотилмаган автомобиллар бўлса, ёрдамни таклиф қилди. Дастлаб фирибгарга фуқаро Илҳом ўқтамов рўпара келди ва ўзи-

нинг "Ласетти" русумли автомашинасини сотиб бериш учун С.Пирматовга мурожаат қилди.

— Илҳом ака, машинангизни кўриб, сизга бир яхши таклиф айтмоқчиман, — деди у. — Ҳоҳласангиз, "тойчоқ"ни ўзим сотиб оламан, фақат пулини бир йил давомда бўлиб-бўлиб бераман. — Хўш, хўш, — унинг таклифи И.ўқтамовга ҳам ёқди, шекилли, гапини давом эттирди. — Нарҳини келишасан бўлди, сотиб юборавераман.

Сотувчи билан харидор ўзаро келишиб, автомашинани 18 миң АҚШ долларига баҳолашди. Содиқ ниятига етганидан боши осмонга етиб, машинани ўт олдириб-да, зумда кўздан ғойиб бўлди. Бир неча кундан сўнг автомобилга харидор топиб, бир ойдан сўнг расмийлаштириб бериш шарти билан сотиб юборди. Пулларини эса ўз эҳтиёжлари учун сарфлади.

С.Пирматов энди иккинчи "ўлжаси"ни қидира бошлади. Бу сафар унинг тўрига фуқаро Носиржон Маликов илинди. Бу шахсининг "Нексия" русумли автомобилни сотиб бериш учун олган Содиқ тезда машинага харидор топиб,

## Йўлдаги талончилар

Нарпайлик Достон, Шерзод ва Раҳимжон Тошкент шаҳрига бориб айланиб келмоқчи бўлишди. Лекин бу саёҳат уларнинг режаси бўйича текинга тушиши керак эди.

— Бунинг йўли бор, — деди Достон. — Йўлла тўхтаб қолган юк машиналарининг ёқилғисини ўғирлаб сотамиз. Бу пул бемалол ўйнаб-қулишга етади.

Йигитларга бу фикр маъқул бўлди. Улар кирақаш Нурали Хўжаёровга учрашиб, Тошкентга бориб-келиш учун 150 миң сўм берадиган бўлишди. Йўлда юк машиналардан ёқилғи ўғирлаш мақсадларини айтишган эди, ҳайдовчи қаршилиқ қилмади.

Достон 13 донда 20 литрлик елим идиш олиб, машина юкхонасига жойлади. Кечаси йўлга чиқиб, тонгда Тошкентга етиб келган йигитлар ижара ўй топиб жойлашди. Бироз ухлаб ҳордиқ чиқаришгач, шаҳар айланишди. Кафега кириб овқатланишди, спиртли ичимлик ичишни ҳам унуттирмади. Кечаси ижара уйдан чиқиб, йўлга тушишди.

Пахтакор туманига келишганда йўл четидан юк машинаси тўхтаб турганини кўришди. Юк машинаси ҳайдовчиси Абдумутал Йўлдошев пойтахтдан Самарқандга 31 тонна юк олиб йўлга чиққан эди. Йўлга чиқшдан олдин 140 литр ёқилғиси бўлса-да, яна 300 литр ёқилғи қуйиб олди. Пахтакор тумани худудига етганида машина гилдираги ёрилди. Совуқда бир ўзи гилдираки алмаштиришни эплонмагач, тонг отишини кутишга қарор қилди. Кабинанига кириб ухлаб қолди.

Достон келиб ҳайдовчи уялётганини айтди. Шерзод ва Раҳим идишлар ҳамда шлангни олиб, машина бакидан ёқилғини қуйиб ола бошладилар. Тўлган идишларни эса сал нарида турган "Нексия"га юк-лашди.

Ғалати шовқин эшитиб уйғониб кетган Абдумутал машинадан тушади, икки-уч киши машинаси атрофи-

уни 38 млн. сўмга сотди ва олган одамга бир неча кундан кейин автомобилни расмийлаштириб беришини айтди. Пулни олиб ҳамёнга жойлаган С.Пирматов шу билан қорасини кўрсатмади.

Аммо... Орадан бир неча ой ўтса-да, на пулдан, на машинадан дарак бўлди. Автомашинани эгаларининг кўнғироқларига Содиқ турли вақт-корсонларни рўқча қилиб, баҳоналарни қалаштириб, турли хийла-найранглари кўрсатиб қўраверди. Тоқати тоқ бўлган жабрдийдалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлишди.

Оқибатда фирибгар С.Пирматовнинг суд олдида жавоб беришига тўғри келди. Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди бу кимсгага нисбатан 3 йил-у 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, ҳукм чиқарди.

С.Пирматов-ку панжара ортида ўтириб, жиний қилмишлари хусусида обдон ўйлаб олар, бундан ўзига тегишли хулоса ҳам чиқарар. Аммо, мана шундай фирибгарларга алданиб қолаётган айрим фуқаролар-чи? Улар амалдаги қонун-қоидаларни, тартиб-таомилларни, ўз ҳақ-ҳуқуқларини қачон англаб етишар экан?

Биз қонун устувор юртда яшаймиз. Шундай экан, бизнинг манфаатларимизга хизмат қиладиган қонунларни яхши билсак, уларга қатъий амал қилсак, юқоридеги каби фирибгар кимсаларга алданиб қолаймиз.

Ҳабибулла ТУРҒУНОВ,

Жиззах вилоят прокуратурининг катта ёрдамчиси



да юрибди. "Ҳойнаҳой, Кока-колани ўғирлашаётган бўлса керак", деб "кимсизлар?" дея овоз берди. Машинанинг орқа томонида яшириниб турган Шерзод қўлидаги темир билан ҳайдовчининг бошига урди. Каттик зарбдан ҳайдовчи йиқилди.

Йигитлар қўлларидеги нарсаларни ташлаб қочиб қолишди. "Нексия"нинг чирогини ёқмай, орқага анча итариб боришди. Улар ҳайдовчи машина рақамини кўриб қолишдан хавотирда эдилар. Бир амаллаб ўридан турган Абдумутал уларнинг изидан тушди. Йигитлар тезда бу ердан жуфтанич ростлаб, йўлда тўхтаб турган "КАМАЗ" ҳайдовчисига ёқилғини 400 миң сўмга пуллашди. Эрталаб Самарқандга қайтишди.

Абдумутал эса шу атрофдаги ҳовлиларнинг бирининг эшигини тақиллатиб, уй эгасидан ёрдам сўради. Биргалиқда ички ишлар органига хабар беришди.

Талончилар "Бўлди, энди манзилимизга келдик, бизни биров тополмайди", деб хато ўйлаган эди. Уларни ички ишлар ходимлари тутиб олиб кетишди. Шерзод Ҳасанов 5 йилга, Раҳимжон Каримов 3 йилга озодликдан маҳрум этилди. Достон Мустафоев ва Нурали Хўжаёровлар 3 йилдан ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилди. Шунингдек, жиноят ишида ашёвий далил бўлган "Нексия" автомашинаси давлат эгаллигига ўтказилди.

# Ичкиликдан бошланган жанжал

2015 йил январда кечки соат олтилар атрофида қишлоқ фуқаролар йиғини ҳуқуқдаги қурлиши тугалланмаган ҳовли яқинида тўхтаган машинадан 5 нафар йигит тушди. Улардан бири дарвозага яқинлашиб, унинг бир табақасини очди. Машина ҳовлига олиб кирилди. Келганлар орасидан икки нафарининг негадир юз-кўзи моматалоқ, пешоналарида қони қотиб угурган жароҳатлар бор эди.

— Мана энди эркакчасига гаплашиб оламиз!

Гапирган одамнинг гапи озгида қолди. Даҳанига келиб тушган мушт зарбидан ерга йиқилди. Бироз аввал бошланган жанжал тобора чуқурлашиб, йигитларнинг ўзлари кутмаган оқибатларга етиб келаётганда. Агар шу мोजаро вақтида бартараф этилганда қотиллик юз бермаган, икки инсон ҳаётдан барвақт кўз юммаган бўларди...

Суд зали. Темир панжара ортида йигирма тўрт ёшга қаршилаган, билагидан куч ёғилиб, тоғни урса талқон қилгудек навқирон йигит одил суд ҳукмини қотиб боз эғиб ўтирибди. Залга йигитларнинг бирови унга ачиниш билан қараса, бошқа бирови унинг қилмишларидан газабнок бўлиб ўтирибди.

Залнинг бир томонида фарзанддан бевақт жудо бўлган оназорнинг унсиз фарёди қулоққа чалинади. Бошқа томонда эса отасидан эрта жудо бўлган фарзандлар, жағридан айрилган қариндошлар жиноятча нафрат кўзлари билан тикилишади. Ҳамма суднинг адолатли ҳукмига кўз тикиб турибди.

Хўш, икки нафар инсоннинг ўлимига сабабчи бўлган бу

йигит ким эди? У нега бундай муҳиж жиноятга қўл урди?

...Ақтамжон Қаюмов бўш вақтларида қишлоқдоши Н.Ғаниевга "КамАЗ" автомашинасини бошқаришда ёрдам бериб юрарди. У 11 январь кuni одатдагидек Н.Ғаниевнинг уйига келганида унинг ўғиллари Зиёдулла ва Жамшид машинани таъмирлаб туришганини кўрди. Ақтамжон жисмонан бақувват бўлгани, таъмир ишларини билгани боис уларга бу ишда ёрдам берди. Иш тушга қадар қўзилди.

Тушлик қилишгаётганда ҳовлига Мансур Остонов (марҳум) кириб келди. У ҳам ҳайдовчи бўлиб, Н.Ғаниевнинг ўғиллари билан бирга ишларди. Шундан сўнг Зиёдулла Лазиз исмли ўртоғига кўнғирок қилиб, уни ҳам уйига таклиф этди. Давра кенгайгач, Зиёдулла ўртага битта "шиша"ни кўйди. Шиша бўшагач, Зиёдулла Лазизга машинани миниб бориб Ақрамни ҳам олиб келишни айтди. Ақрам туман марказидаги суратхоналардан бирида ишлаб юриш билан бирга, бўш вақтларида Н.Ғаниевнинг уй ишларига ёрдам бериб юрарди. Лазиз йигитчани олиб кайтганда даврага Зиёдулланинг қўшилиши Шоқир ҳам келиб қўшилганди. Ярим соат

орасида яна икки "шиша"ни бўшатган йигитлар тузукроқ жойда базмини давом эттиришни хошлаб қолишди. Ароқнинг таъсиридан Зиёдулланинг ҳиммати кўзиб, ўзининг ҳисобидан зиёфат қилиб беришини айтди. Унинг гапидан сўнг даврадошлар кўзга олиб, Зиёдулланинг машинасига жойлашди.

Тумандаги балиқхонага йўл олган йигитлар йўл-йўлакай дўкондан яна тўрт шиша ароқ сотиб олишди. Балиқхонадаги ўтириш ширингина бошланди. Столдаги "шиша"лар бирин-кетин бўшаши билан ўтирганларнинг ҳам кайфи ошиб борди. Ҳалигина бир-бирига хушоматли сўзларни айтиб турган йигитларнинг кўзлари сузилиб, ғўдрана бошлашди. Айнқисқа, Ақрам меъеридан ортиқ ичиб юборгани учун кўнгли беҳузур бўлди. Қаердалигини ҳам унутди, ёнида ўтирган Ақтамнинг кийимига қайт қилиб юборди. Бошқа вазият бўлганида Ақтам балки унинг бу ишини шунчаки мастликка йўйиб юборарди. Бироқ ўзи ҳам мастлик сабабли Ақрамни туртиб, уни уришга чоғланди.

Бунга кузатиб турган Мансур орага тушди ва Ақтамга "Тур ўрингдан..." дея ўшқирди. Табиийки, бу ҳақорат Ақтамнинг вазоҳатини кўзга тикиб юборди. Ҳозиргина эгнини расво қилган Ақрамнинг ҳам аламини ундан олди. Ақтам гўё қутургандек Мансур Остоновнинг юзига мушт тушириб, аёвсиз тепкилай бошлади. Ёш жиҳатдан ўзидан анча кичик,

бунинг устига айни кучга тулган йигитга қаршилик кўрсатишга Мансурнинг кучи етмасди. Тўсатдан бошланган тўполонни бостиришга уринган шерикларнинг ҳам ҳаракатлари зое кетди.

Зиёдулла, Шоқир ва Лазизлар бир амаллаб жанжални бостиришди. Улар уйга кетиш учун машинага минишганида кеч тушиб, атрофни қоронғу қоплаб бошлади. Жанжал машинада ҳам давом этмаслиги учун йигитлар Ақрамни машина юқонасига жойлаштиришди. Йўлда эса Мансур ва Ақтам ўртасида даҳанича жанг давом этди. Боласи тенги йигитдан калтак еганини ўйлаб Мансурнинг газаби қайнарди. Шунинг учун ҳам холироқ жойда орани очиб қилиб, эркакчасига гаплашиб олишларини айтди. Машина Зиёдулланинг ҳали қурлиши тугалланмаган ҳовлиси томон йўл олди...

Эркакча муроса муштлашувга айланди. Ақтам жанжалга шайтанларнинг инсон эканлигини батамом унутганди. Мансур зарбалар таъсиридан ҳўшини йўқотгач, қутуриб кетган йигит цемент гиштини кўтариб энди ҳолсиз ётган Ақрамнинг олдига келди. Унинг бошига урмоқчи бўлиб, гиштини даст кўтарди. Шу пайт кимдир уни туртиб юборди ва қўлидаги гишт ерга тушди. Шундай бўлса-да, Ақрам унинг газабидан қутула олмади. Ақтам йигитчани овози чикмай қолганига қадар уришдан тўхтамади. Ҳар иккисининг сасис қолганини кўргач, бироз ҳовуридан тушди.

Дилшод ШОДМОНОВ,  
Қашқадарё вилоят прокуратураси  
бўлим катта терговчиси  
Норбўта ҒОЗИЕВ,  
«Huquq»

Оғир жароҳат олганларни туман тиббиёт бirlашмасига олиб келган йигитлар уларни кўчада шу ҳолда топиб олишганини тўғрисида ёлғон гапирди. Ақтам Қаюмов эса гўё ўзини меҳрибондек кўрсатиб, қандай дори-дармон керак бўлса, етказишни шифокорларга айтди. Афсуски, Мансур ва Ақрамга дори-дармонларнинг фойдаси бўлмади. Олиб борилган тезкор муолажаларга қарамай, иккиси ҳам ҳаётдан кўз юмди.

Жиноят ишлари бўйича вилоят судида мазкур жинойиш шифоли атрофида муҳокама этилиб, Ақтам Қаюмовга 20 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Адолат қарор топди. Бироқ бу фарзандидан эрта жудо бўлган онанинг юрагидеги ярага малҳам бўлмайди. Ота дийдоридан эрта жудо бўлган фарзандларнинг кўзларидеги ёшларни артайди.

Спиртли ичимликларнинг касофати, хусусан, жиноятга етаклаши хусусида жуда кўп гапирилади. Бироқ шундай бўлса-да, айрим одамлар нафсларини жиловлаш олмаётганликлари ачинарли ҳолдир. Ароқнинг таъсиридан раҳм-шафқатни, инсонийликни йўқотган Ақтамнинг қилмиши барчага сабоқ бўлса ажаб эмас.

## Ўзингга эҳтиёт бўл...

дир этиб судланиб чиқишган экан.

Суд мажлисида судланувчилар, жабрланувчилар, гувоҳларнинг кўрсатмалари билан аниқланган ҳолатларга кўра, мол ўғрилари ва уларнинг ўғирлаган молларини арзон-гаров олиб, қимматига пуллаш билан шугулланган жинойи шериклар ўтган йил май ойининг ўрталарида Кўкон шаҳридаги ошонлардан бирида улфатчилик қилишади. Гап мол-қўйлар олди-сотдисига бориб тақалади. Улфатларда бировларнинг мол-қўйларини ўмариб пуллаш "иштиёқ" туғилади. Ўғри ва ўғирланган молни пуллаб беришни зиммасига олган "даллол"лар гапни бир жойга қўйишади.

2014 йил 31 май кuni шом пайти Баҳром дадасининг сариқ рангли "Нексия" автомобилни миниб, Мансур ақсининг ёнига боради. Икковлон кўз остиларига олган Бағдод туманига йўл олишади. Шаҳардан чиққач, автомобилнинг давлат рақамларини ечиб қўйишади. Даланинг чеккаси, йўл бўйида қозикча болганлар бузук ёнидан бироз ўтиб тўхташади. Теварак-атрофда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилиб, бузукни қозига билан "Нексия"нинг юқонасига солишади ва Анварнинг уйига боришади. Ўғирланганини айтиб, бузукни арзон-гаровга 100 АҚШ долларига пуллаб кетишади.

Орадан икки-уч кун ўтиб Мансур Баҳром билан телефонда болганади. Яна Бағдод туманига "ов"га чиқшини таклиф қилади. Баҳром яна отасининг "Нексия"сини миниб боради. Йўл-йўлакай Шўхратни ҳам миндириб олади. Бироқ бу гал "ов"лари юришмайди. Дашт қишлоқ далаларида давлат рақамсиз "Нексияда" эгаси пинакка кетган молни излаб юришганида нотаниш йигит тўхтади. "Кимсизлар, нима қилиб юрибсизлар", дея сўраб-суриштиради. "Оғайнимизни ахтаряпмиз",

гапни калта қилган Баҳром ўғриликка келганимизни сездим, шекилли, деган ҳаёлда машина газини босади. Қора рангли "Ласетти" русумли машина изма-из қувиб келади. Серқатнов Кўкон шаҳрига кираверишда таъқибчилардан қутулишади.

Ўғирлар эҳтиёт чораларини кўришди. Баҳром сариқ "Нексия"ни қаймоқ рангига бўятиб олади. Ҳар гал автомобилнинг давлат белгисини олиб қўйишдан ташқари энди бир бора ўғирлик қилишган жойга қайтиб бошларини сукшмайди. Из қолдирмасликка уринишади. Кейинги гал, 5 июлдан 6 июлга ўтар кечаси уша "Нексия" машинасида Ўзбекистон тумани Хайдаробод қишлоғига йўл олишади. Фермер хўжалигининг даласида болгаб қўйилган бузукни кўз остига олишади. Яқин атрофда ҳеч зог кўринмайди. Қулай фурсатдан фойдаланиб, бузукни автомобил юқонасига солиб қочишади. Улжани Баҳромнинг қариндоши Элмуродга 1 млн. сўмга сотишади.

13 август кuni Баҳром шериклари Мансур ва Шўхрат билан Ўзбекистон тумани Қоратепа қишлоғи яқинида, далада қаровсиз қолдирилган молни машина юқонасига ортиб, Анварнинг уйига олиб бориб, 700 минг сўмга сотиб кетишади. 17 август кuni Данғара туманидаги "Олтиқуш" қишлоғи чеккасидаги далага келишади. Одатдагидай теварак-атрофни бир бора кўздан кечириб, ҳеч зог йўқлигига амин бўлгач, қозикча болгаб қўйилган бузукни "Нексия"нинг юқонасига жойлашади. Узоққа бормай, Анварни телефонда қақришади. У етиб келиб, ўғирларга 400 минг сўм бериб, бузукни мотороллерга ортиб кетади.

Ўғирлар пулларни бўлишиб олиб, икки-уч кун кайф-сафога берилишади. Сўнгра яна Кўкон шаҳри атрофи, Ўзбекистон, Учкўприк, Данғара, Фурқат,

Жуманазар ИСАКОВ,

Ўзбекистон туман прокурорининг  
катта ёрдамчиси

Бағдод туманлари ҳудудидаги фермер хўжаликлари далаларида, томорқалардаги қўраларда қаровсиз қолдирилган ус-тўрт ойлик, "Нексия"нинг юқонасига сигадиган бузуклар, қўйларни ўғирлаб, Анвар ва Элмуродга арзон-гаров сотишаверида, 2014 йилнинг май-ноябрь ойларида 26 марта ба жами қиймати 42 млн. сўмдан зиёд бўлган бузук, новвосча ва қўйларни ўғирлашган. Жинойи шериклари А.Хасанов ва Э.Султоновларга қўраларида сақлашаётган ҳамда бировларга сотиб юборишган 24 бош ўғирланган бузук, новвосча, қўйлар топилиб, эгаларига топширилди.

Судланувчилар Б.Хамиджонов ва М.Халикназаров, А.Хасанов, Э.Султоновларнинг айби ўзларининг тўлиқ ва қисман иқдорликларидан ташқари жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тақдирланди. Ҳавфли рецедивист деб топилган Ш.Журабаев ўзини оппоқ қилиб қўрсатишга уринди. Унинг айби жинойи шериклари Б.Хамиджонов ва М.Халикназаровнинг бир неча эпизодларда "Нексия" машинасида биргаллик далалардан, қўралардан ўғирланган молларни арзон-гаровга сотиб, пулларини ўзаро бўлишиб олганлари хусусидаги кўрсатмалари, инкор этиб бўлмас далиллар билан исботланди. Суд ҳукми билан уюшган жинойи гуруҳ аъзолари — мол ўғрилари Б.Хамиджонов, М.Халикназаров, Ш.Журабаев, аввалдан ўғирланганини билган ҳолда молларни арзон-гаров сотиб олиб, қимматига пуллаган А.Хасанов ва Э.Султоновларга қилмишларига мувофиқ, турли муддатларга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.




Томорқалдаги молхонанинг эшиги бузилганини кўриб юраги увишди. Бир бош бузук ва бир бош қўй йўқ эди. Ҳовлима-ҳовли сўраб-суриштириди, қишлоқ теварагидеги дала-лардан ахтарди. Топа олмади, ИИБга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Фурқат туманининг "Ингичка" қишлоғида яшовчи Жамолдин Маҳкамовнинг ариза-си бўйича тезкор-қидирув тадбирлари мобайнида Кўкон шаҳрида яшовчи Баҳром Хамиджонов ва Мансур Халикназаровлар гумондор тариқасида сўроқ қилинди. Улар далиллар қарши-сида гапларидан адашиб, ўзларини фош этишди, қилмишларини тан олишга мажбур бўлишди. Яна бир жинойи шериклари Анвар Хасановнинг уйидан эса ўғирланган қўй топиб олинди. Улар қўйни сотишга улгурмаган, новвосчи эса ўғирланганини айтмасдан фуқаро Д.Холмуродовга 2 млн. 800 минг сўмга сотган эди. Унинг қўрасидан бошқа фуқароларга тегишли ўғирланган бузуклар ҳам топилди. Дастлабки терговда Баҳром Хамиджонов, Мансур Халикназаров, Шўхрат Журабаевлар бузук ва қўйларни жинойи шериклари Анвар Хасанов ва Элмурод Султоновларга арзон-гаровга сотишгани аниқланди.

Бировларнинг мол-қўйларини ўғирлаб пуллаган уюшган жинойи гуруҳининг уч нафар аъзоси муқаддам ўғирлик, босқинчилик жиноятлари со-


## Аккаунтлар ўғирланди



"WeipTech" va "Palo Alto Network" компаниялари ўтказган тадқиқот доирасида "Apple ID"нинг 225 минг аккаунти ўғирлангани аниқланди. Қайд этилишича, жиноятчилар "Jailbreak"

ёрамада "IOS" қурималари файл тизимига кирган фойдаланувчиларнинг маълумотларини ўғирлайдиган вирусдан фойдаланишган.

18 та давлат фойдаланувчилари хакерлар "қурбон"ига айланган бўлиб, уларнинг кўпчилиги Хитойда яшайди. Хакерлар ҳужуми оқибатида баъзи фойдаланувчилар аккаунтларидан "App Store" дўконидан ноқонуний харидлар амалга оширилган. Хакерлар, шунингдек, аккаунтни қайтариш учун тўлов сўрашган.



## Дунёдаги энг бой хонандага айланди

"U2" гуруҳи яккахони Боно "Facebook" ижтимоий тармоғи акцияларининг кўп қисмига эгаллик қилгани туфайли дунёдаги энг бой хонандага айланган.

Бугунги кунда Ирландиялик муסיқачининг бойлиги 1,5 млрд. долларга баҳоланмоқда. Боно бойлигининг катта қисмини "Facebook"нинг 2,3 фоиз акцияси ташкил этади. Боно бу акцияларни 2009 йилда ўзининг "Elevation Partners" инвестиция компанияси орқали 86 млн. долларга сотиб олган эди.

Ижтимоий тармоқнинг акциялари хонандага 1,4 млрд. доллар даромад келтирган. Бу Бонога сайёрамининг энг бадавлат муסיқачилари рўйхатида Пол Макартнидан ўзиб кетиш имконини берди.



## Эримайдиган музқаймоқ

Буюк Британияда эримайдиган музқаймоқ кашф этилди, дея хабар берди "The Mirror" нашри. Ушбу музқаймоқ Стаффордшир графлигидаги "Alton Towers" боғида сотилди.

Нашрнинг қайд этишича, музқаймоқнинг тайёрланиш усули сир тутилмоқда. Фақатгина унга ҳарорат билан ишлов берилиши айтиб ўтилган. Ушбу музқаймоқ бош ошпаз Хестон Блюментал томонидан ўтказилган синовлар натижасида пайдо бўлди. Бу ошпаз ўзининг "Ёғли ўрдак" ошхонасидаги ноодатий таомлари билан машҳур бўлиб, у қора икрали оқ шоколад, гўштдан тайёрланган музқаймоқ, кофе ва саримсоқ пиёзли печенье ҳамда бошқа таомларни хўрандаларга тақдим этган.

2013 йилда Гарвард университети муҳандиси Дэвид Эдвардс ҳам 8 соат давомида эримайдиган музқаймоқ ихтиро қилган эди. Унинг маҳсулоти кокос, ёнғоқ ва ер ёнғоқ шарофати билан эримайдиган ҳолга келтирилган. Айни пайтда бундай музқаймоқлар АКШ ва Буюк Британия супермаркетларида сотилди. Харидорлар "WikiPearls" номини олган музқаймоқларнинг манго, шоколад ва ванилли турларини татиб кўришлари мумкин.

## Фабрикада портлаш содир бўлди

Япониянинг жанубида жойлашган алюмин фабрикасида бир неча бор портлашлар содир бўлди, дея хабар бермоқда "The Sun Daily" нашри.

"Yomiuri Shimbun" нашри маълумотларига кўра, Китакюсю шаҳридаги алюмин фабрикасидаги портлаш тизимдаги носозлик туфайли эриган алюмин сув билан қўшилиб кетганидан сўнг содир бўлган.

Маҳаллий полициянинг хабар беришича, ҳодисадан жабр кўрганлар ҳақида ҳозирча маълумот йўқ.



## Антиқа реклама

Франциянинг Лион шаҳри полицияси ўз хизматлари ҳақида варақа тарқатиб юрган марихуана сотувчисини ҳибсга олди. "France 24" телеканалининг хабарига кўра, 32 ёшли жиноятчи қўлга олинган.

У ушбу варақасида ўз исми, манзили, телефон рақами ва қандай нархларда қандай маҳсулотлар етказиб бериши ҳақида ёзган. Шунингдек, у 100 евродан қиммат нархдаги маҳсулотларини етказиб бергани учун қўшимча ҳақ олмаслигини билдирган.

Унинг "реклама кампанияси" йўловчилардан бири ундан гиёҳванд модда сотиб олиши ва бу ҳақда яқин жойдаги полиция идорасига маълум қилиши биланок яқунланди. Жиноятчининг уйи тинтув қилинганда уйдан 102 грамм миқдордаги каннабис моддаси ва бир неча варақа топилган.

У тергов вақтида ўзининг оғуфруш эмаслигини, янги дўстлар орттириш учун шундай йўл тутгани ҳақида айтган.



## Маймунлар отряди ишга киришди

Хитой иккинчи жаҳон урушидаги ғалабининг 70 йиллиги муносабати билан ўтказилмаган парад арафасида Пекин шаҳри кўчаларини кушлардан тозалаш учун маймунлардан фойдаланди. Бу ҳақда "The Independent" хабар берган.

Кушларнинг ушбу маросимда ноқулайликлар туғдирмаслиги мақсадида уларни ҳайдаш учун маймунлардан отряд тайёрланган. Шунингдек, ташкилотчилар бу орқали парад вақтида кушларнинг самолётларга урилиши эҳтимолининг олдини олишга умид қилишмоқда.

Пекин шаҳри ҳукумати аҳолига шу кунларда кабуатларини осмонга учирини тақиқлаб қўйган.

Эслатиб ўтамиз, ҳарбий парад ва маросимлар 3 сентябрь кuni ўтказилади. Унда дунёнинг 30 га яқин давлати раҳбарлари иштирок этишади.

Шу кuni Тяньаньмэнь майдонидан 12 минг аскар ва зобит ўтади. Шунингдек, ушбу маросимга кўплаб ер усти техникаси ва самолёт жалб қилинган.

Парадни тайёрлашга раҳбарлик қилаётган генерал-майор Цой Жуйнинг маълум қилишича, парадда иштирок этадиган техниканинг 84 фоизи биринчи марта намойиш этилади.



## Ҳиндистонда яна тошқинлар

Ҳиндистон шимол-шарқдаги Ассам штатида сув тошқинлари юз берган.

Худуд табиий офатларга қарши кураш бошқармаси ҳисоботида қайд этилишича, сув тошқинлари натижасида 30 нафардан ортиқ одам ҳалок бўлган, 735 мингдан ортиқ киши бошпанасиз қолган.

Бу офат ёмғирлар мавсуми доирасида Ҳиндистоннинг шимол-шарқда кузатилаётган учинчи энг йирик сув тошқинидир. Дастлабки маълумотларга кўра, табиий офат штатга 1,5 миллион доллардан ортиқ зарар етказган.



## Гиёҳванд ўғил учун қафас

Австралиянинг Рокемптон шаҳрида она 17 ёшли гиёҳванд ўғлини ушлаб туриш учун пўлат қафас ясаптирди.

Она бу қуримани ясаш учун уч минг АҚШ доллари сарфлади. Шу тариқа аёл ўғлининг гиёҳванд моддаларни сотиб олишига ҳамда ўзига ва атрофдагиларга зиён етказилишининг олдини олишга ҳаракат қилмоқда. Унинг сўзларига кўра, ўғли бир неча бор ўз жонига қасд қилишга уринганидан сўнг, мамлакатнинг реабилитация марказлари уни қабул қилишдан бош торган.

# Бир ўнгитнинг хосияти

Эрининг қилган ишидан ранжиган Назира кечаси билан асабийлашиб, ухламай чиқди. Боиси, кеча унинг туғилган кунини эди. Комил ишлари билан овора бўлиб, турмуш ўртоғини совға билан хурсанд қилишни ёздан чиқарганди.

Назира эрта билан ховлидаги ишларини саранжомлади, нонушта тайёрлади, болаларини ўқишга жўнатди. На қайнонасига, на эрига кўрингиси келмай, хонасига кириб кетди. Кўзгү олдида узок ўтириб, бирдан шахт билан ўрнидан турди-да, аччиқ алам устида кийинди-ю, кўчага отилди. Тўғри онасининг олдига, қизлик уйига борди.

— Хафа бўлдим, ойижон, — дея эшикдан кирар-кирмас онасига шикоят қила кетди. — Ахир ўн йилдан буён бирга яшаймиз. Бир дона гул, бир оғиз ширин сўз кимни ўлдирди. Бу мени одам ўрнида кўрганми? Нима деб тушунай, ахир!

— Кўй, қизим, бургага аччиқ қилма. Оғирроқ бўл, арзимаган нарса билан иссиқ жойингни совутма. Бу сафар олиб келмаган бўлса, кейинги сафар албатта олиб келади. Эркак киши рўзгор тебратиш учун минг хил хаёлда юради, ёдидан кўтарилгандир, — қизига насиҳат қилган бўлди онаси.

— Ўз аёлининг туғилган кунини эсдан чиқариши мумкинми-а? Бу менга жуда каттиқ зарба бўлди, — Назира ҳамон аламини боса олмасди.

— Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин, қизим. Кўзингни каттароқ оч...

Аммо Назира унинг насиҳатларига қулоқ тутиб ўрнига янада асабийлаша бошлади. Онаси ўйлай-ўйлай, кўшни ховлига — кичик овсиники-

га чиқди. Саксондан ошган қайнонасига вазиятни тушунтирди.

— Неварангизни қаранг, арзимаган сабаб билан аразлаб келиб ўтирибди. Ўзингиз бир нима деб қўйинг. Эркак кишининг бир кўнгли совуса, ёмон-ку?!

Уйига қайтгач, ҳалигача кўзи телевизорда-ю, хаёли бошқа ёқда бўлиб ўтирган қизига юзланди.

— Ма, қизим! Ўзинг олиб келган юмшоқкина нонларни олиб, бувингни кўриб чик. Дуосини ол, — деди буйруқ оҳангида.

Назира унинг топширигини сўзсиз бажарди. Бувинсинг ёнига ўтиргач, кампир ўзига ўзи гапираётгандай, секин сўз бошлади:

— Буванг раҳматлик билан эллик йилдан ошиқ бирга яшадик. Ўтган кунларимни сенга айтиб берай. У пайтлар куёв билан учрашиш, синалаш деган гаплар қаёқда дейсан. Тўйларни ҳам зўрға, тўрт-беш нафар қўшнилари билан ўтказиб қўя қолардик. Замон жуда оғир эди. Ота-онамиз нима деса ҳаммасига кўниб кетаверар эдик. Мухаббат дегани ҳам бир-икки фарзанд кўргандан кейин ўз-ўзидан пайдо бўларди. Тавба...

Мен суқсурдай қиз эдим. Шаддод ва шўхлигимга қарамай, харидорларим кўп бўлган. Совчиларга "ҳа" жавоби берилганини эшитиб, йигитни бир кўришим кераклигини дугонамга айтдим. Хуллас, янгаларни ишга солиб, узокдан



бўлса ҳам куёв бўлмишни кўрдим. Унинг басавлатлиги, қошу кўзи юрагимни "жиз" эттирди.

Тўй кечаси чимилдикда қоп-қора, юз-кўзи беўхшов йигитни кўриб, дод деб юборганман. Ушанда янгалар: "Бу даламинг йигитини кўриб, кўнмай юрмасин", дея бошқасини кўрсатишган экан. "Кўй энди, барибир фойдаси йўқ. Сенинг қисматинг шу йигит. Унга никоҳландинг, унинг хасмисан энди. Ота-онангнинг шаънини ўйла", дейишди янгалар. "Барибир ҳамма сени айблайдик. Чимилдик кўрдинг, ўз номингни ўзинг булғаман".

Бошида эримга кўнглим бўлмай, жуда қийналдим. Аммо бирин-кетин болалар туғилиб, бир-биримизга боғланиб қолдик. Буванг "уйим-жойим", деб менга, болаларга парвона бўлди. Топганини

уйга ташиди. Биласанми, қизим, меҳр-муҳаббат деганлари қалбда бўларкан. Унинг рўёбга чиқиши ҳар кимнинг ўзига боғлиқ.

Шукрки, ҳозир юртимиз тинч, тўкин-сочин. Шундай дориломон кунларда бир-бирига гулу булбулдек интилиб яшаётган йигит ва қизларга қараб ҳавас қиламан. Билсанг, қизим, меҳр-муҳаббат кўнглининг гавҳари. Кимки, унга хиёнат қилса, қадрига етмаса, топтаса, увол қилса, заволга қолади. Уни қайта тиклаш жуда мушкул бўлади.

Сен, қизим, муҳаббат боғида гулдек яшнаб юрбсан. Ишқилиб, шу иззат-хўрматдан муҳаббатдан узоклашма. Меҳр-муҳаббатсиз кўнгли куриган дарахт мисол...

Назира бувинсинг сўзларини тинглар экан, олийгоҳда бирга ўқиб, аҳду паймон қил-

ган Комил акаси кўз олдига келди, ундан узоклаша бошлаганини англаб, ваҳимага тушди. Арзимас совға учун араз-у гина қилиб келиб ўтирганидан ўзи ҳам уялиб кетди.

— Бувижон, сизни бир кўриб, дуоингизни олай деб келган эдим. Уйда ишларим кўп. Менга руҳсат беринг, боришим керак, — деди-да бувинсинг фотихасидан сўнг, "Яхшиям аразлаганим ҳақида уйдагиларга ҳеч нарса демай чиққанам", деган хаёл билан ташқарига йўл олди.

— Ойижон, кетаяпман, яхши ўтиринглар. Уйда қиладиган ишларим бор.

Онаси уйига отланган қизини кўчага қузатиб кўяр экан: "Елкамизни суяб, иситиб турадиган кексаларимиз бор бўлишим!" дея пичирлади.

Хулқар ҲУРОЛОВА

## Биласизми?



Биз ҳаёт, умр деган сўзларни кўп эштамиз, бироқ уларнинг маъносини қай даражада англаймиз? Буларни ўйлаб, мулоҳаза қилсак, инсон ўзини қийнаб умр кечириши эмас, аксинча, ҳаётдан лаззат олиб яшаш лозим, деган хулосага келамиз. Олимларнинг таъкиллашича, инсон ўзида фойдали энергияни кўпайтирса, умри узаяр экан. Фойдали қувватни ошириш учун қилишимиз керак бўлган оддийгина ҳаракатлар ҳақида биласизми? Унда биайб олинг.

Жилмайинг, ҳар сафар лабингизга табассум югурганида танангиз эмоционал ҳолатни оширадиган эндорфин ишлаб чиқара бошлайди. Табассум асаб тоналарини фаоллаштириш йўли билан бизда бахт хиссини уйғотади. Шунингдек, саломатлигимиз учун ҳам фойдалидир, дейишмоқда мутахассислар.

Доимо қулиб юришга ҳаракат қилинг. Инсонда шундай вазиятлар бўлади, қулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмай қолади. Бундай вазиятда йиғлаб энгил тортиб олиш мумкин. Аммо вазиятни энгиллаштириб, мириқиб қулиб олган яхшироқ. Қулгу ва ушқачқаклик

шифобахш хусусиятга эга бўлиб, омадсиз кунни ҳам муваффақиятли қилиб юборади. Қулинг, зеро қулгу умрингизни узайтиради.

Ўтаётган ҳар бир кунингизга шукр қилинг. Одамлар бу дунёда қолганларга қараганда омадли эканликларини унутиб қўядилар. Атрофга назар солиб сиздан-да муҳтож ва сиздан-да омадсизлар борлигини ўйлаб кўринг. Шукроналик хисси атрофингиздаги тўқинликни кўришга, тинчлик ва фаровонликни англашга ёрдам беради.

Бўш кунларингизда очик ҳавода сайр қилишни одат қилинг. Ишхона ёки уйингиздан ташқарига чиқиб, очик

## Ҳаётдан завқ олиб яшашни ўрганинг

осмон остида сайр қилиш ва табиат бизга инъом этган гўзалликдан баҳраманд бўлиш, юзага келиши мумкин бўлган стрессдан энг яхши даво. Мазкур муолажа усулини кўплаб олимлар таъкидлаб ўтишган.

Ширин ҳиссиётларга берилинг. Ўзингизга бўлган муҳаббатни уйғотишнинг энг самарали усули бу — ўз ҳиссиётларингизга қулоқ солишингиздир. Сизда юзага келадиган барча ҳиссиёт беҳиз эмас, албатта. Бу ҳиссиётларга бепарволик қилиш эса ярамайди.

Ўзингизга муҳаббат улашинг. Сабаби сиз бошқалардан кўра ўзингизнинг муҳаббатингизга кўпроқ муносибсиз. Табиат қўйнига чиқинг. Мириқиб ухлаб дам олинг. Ўзингиз ёқтирган машғулот билан шуғулланг. Зеро, у сизга ҳузур олиб келсин.

Бугунги ва эртанги кунга ишонч билан яшанг. Ўтиб бораётган вақтингиз қадрига етишни ўрганинг. Бутун эътиборингизни жамлаб, яхши ишлар қилишга интилинг. Боиси савобли иш руҳингизга энгиллаштиради. Ўтмишини эса иккинчи даражага олиб қўйинг. Чунки инсоният ўтмишда бажара олмаган юмушларини эслаб кўп азият чекади.

Ўз чегарангизни ҳимоя қилишни ўрганинг. Яъни қарашларингизни ҳи-

моя қилинг. Шунда сиз билан мулоқот қилаётган инсонлар гашингизга, шахсиятингизга тегадиган гапларни гапиришмайди. Чунки, сизга ёқмайдиган гаплар ҳам руҳиятингизга таъсир қилиб, умрингиз қисқаришига сабаб бўлиши мумкин.

Ўзингизни эркин тутинг. Уйингиз ёки ишхонангизга бўлган йўлда таятган жарангизга ўзидан завқ олинг. Йўл-йўлақай олдинда турган муаммоларни унутинг. Чўқур нафас олиб, ҳаётдан лаззат олинг.

Эътибор берган бўлсангиз, одам вақти-вақти билан "Тили захар инсонлар"га дуч келади. Улар билан суҳбатдан сўнг сизни нохушлик, ачиниш ва безовталик хисси қамраб олади. Бу каби одамлардан қочиш ва улар билан иложи боришда жуда ҳам кам суҳбатда бўлиши лозим.

Бахтингизни яхши инсонларга улашини одат қилинг. Бахтли, қувончли онларингизни яқин одамларингиз билан нишонланг. Бу билан сиз ўша суҳбатдошларингизга ҳам қувонч улашасиз. Ушбу жараёнда сиз нафақат ўзингизни яхши ҳис этасиз, балки ёнингиздагиларга ҳам яхши кайфият улашасиз.

Интернет материаллари асосида тайёрланди

UEFA CHAMPIONS LEAGUE

ЕЧЛга Куръа ташланди

Монако шахридаги Grimaldi Fotog анжуманлар саройида Европа Чемпионлар лигаси мусобақасининг 2015/2016 йилги мавсуми учун куръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Бу босқичга етиб келган 32 та жамоа якуний саккизта гуруҳга бўлинди. Эслашиб ўтамоқчи, Европа чемпионлар лигаси гуруҳ бахслари жорий йилнинг 15 сентябридан старт олади.

«А» гуруҳи

- ПСЖ (Франция)
- Реал Мадрид (Испания)
- Шахтёр (Украина)
- Мальме (Швеция)

«D» гуруҳи

- Ювентус (Италия)
- Манчестер Сити (Англия)
- Севилья (Испания)
- Боруссия М (Германия)

«В» гуруҳи

- ПСВ (Голландия)
- Манчестер Юнайтед (Англия)
- ЦСКА (Россия)
- Вольфсбург (Германия)

«Е» гуруҳи

- Барселона (Испания)
- Байер (Германия)
- Рома (Италия)
- БАТЭ (Беларусь)

«С» гуруҳи

- Челси (Англия)
- Порту (Португалия)
- Динамо Киев (Украина)
- Маккаби Т-А (Исроил)

«С» гуруҳи

- Бенфика (Португалия)
- Атлетико Мадрид (Испания)
- Галатасарой (Туркия)
- Астана (Қозоғистон)

«F» гуруҳи

- Бавария (Германия)
- Арсенал (Англия)
- Олимпиакос (Греция)
- Динамо Загреб (Хорватия)


«Н» гуруҳи

- Зенит (Россия)
- Валенсия (Испания)
- Лион (Франция)
- Гент (Бельгия)



Коэнтрау «Монако»да

Мадриднинг "Реал" клуби химоячиси Фабиу Коэнтрау янги мавсумни Франциянинг "Монако" клубида ижарада ўтказадиган бўлди.



Платини ФИФА президенти бўлмаса, УЕФАдан кетармиш...

УЕФА президенти Мишель Платини агар ФИФА президенти сайловларида ғалаба қозона олмаса, унда УЕФАда президентлик муддати тугагандан кейин футбол ташкилотидан кетишини маълум қилган. Платини ўзининг номзодини ФИФА президенти лавозимига қўйишини расман 18 июлда эълон қилган эди. Эслашиб ўтамоқчи, ФИФА президенти лавозимига сайлов 2016 йилнинг 26 февралда Цюрихда бўлиб ўтади.



Жилардино «Палермо»га ўтди

Хитойнинг "Гуанчжоу Эвергранд" клубига тегишли бўлган, ўтган мавсумнинг иккинчи қисмини ижара асосида "Фиорентина" клубида ўтказган ҳужумчиси Альберто Жилардино фаолятини "Палермо" жамоасида давом эттирди. 33 ёшли форвард "Палермо" клуби билан 3 йиллик шартнома имзолаши ҳамда унга кўра йилига 1,1 млн. евро маош олиши маълум бўлди.

Жонни Эванс «Вест Бромвич»га ўтади

"Вест Бромвич" клуби раҳбарияти "Манчестер Юнайтед" жамоаси вакиллари билан Жонни Эванснинг трансфери борасида келишиб олди. Хабар қилинишича, "Вест Бромвич" футболчи учун 6 млн. фунтдан ташқари, бонуслар сифатида яна 2 млн. фунт тўлайди. Эслашиб ўтамоқчи, Эванс бу мавсумда "МЮ" сафида биронта расмий учрашувда майдонга тушмаган.

Сонг Хёнг Мин «Тоттенхэм» аъзосига айланди

Германиянинг "Байер" клуби ҳужумчиси Сонг Хёнг Мин фаолятини Англиянинг "Тоттенхэм" клубида давом эттирадиган бўлди. Бу ҳақда Лондон клубининг расмий сайти хабар тарқатди. Манбада ёзилишича, инглизлар корейлик футболчи билан 5 йиллик шартнома имзолашди. Сонг янги жамоаси сафида 7 рақамли футболкада ўйнайди. Футболчининг трансфер суммаси расман маълум қилинмаган. Бироқ баъзи манбаларнинг ёзишича, "Тоттенхэм" клуби Жанубий Корея терма жамоаси футболчисини ўз сафига қўшиб олиш учун "Байер" жамоасига 22 млн. фунт стерлинг миқдорда маблағ тўлаган. Футболчи Буюк Британияда ишлаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатни кўлга киритгач, унинг "Тоттенхэм" клубига ўтиши билан боғлиқ расмиятчилик ўз нихоясига етказилади.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашини департаменти жамоаси департаментининг Олмалиқ шаҳар бўлими бошлиғи Раҳматжон Жўраевга уқаси **Бурхонжон ЖЎРАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Huquq** yuridik gazeta

Muassis: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati: Hakimboy HALIMOV, Gulnoza RAHIMOVA, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Kamoliddin ASQAROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40, Faks: 233-10-53, 233-64-85

E-mail: huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqir qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. □ — tijorat materiali.

Nashr ko'rsatkichi 231

Buyurtma s-3822.43.212 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi. Navbatchi muharrir: O'.DEHQNOV Sahifalovchi: S.BABAJANOV Navbatchi: O'.DEHQNOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxonada manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

9 772010 761004